9 МАР 1993

ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

1993 йил 27 февраль
ШАНБА
№ 25 (5:468).
НАРХИ: ОБУНАЧИГА 3 СЎМ, СОТУВДА 5 СЎМ.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Дўстлик районидаги Қосим Раҳимов номли давлат хўжалиги деҳқонлари дала ишларини бошлаб юбордилар. Жамоа аъзолари жорий йил ҳосилига пухта замин яратиш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар. Айни пайтда далага маҳаллий ўғит чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш жадал давом этмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Ерни текислаш пайти. 2. Хўжалик агрономи Абдужаббор Ҳайдаров (ўнгда) деҳқонлар билан дала юмушлари тўғрисида суҳбатлашмоқда.

К. ЖЎРАҚУЛОВ олган суратлар.

ҒАЛЛА ПАРВАРИШИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Ўтган йил кузида республикамиз ғаллакорлари 870 минг гектар ерга арпа ва буғдой уруғини сепган эдилар. Куз охири, қишнинг дастлабки даври ҳавоси бошоқли дон экинлари, айниқса лалми ерлардаги ғалла ривожи учун унчалик қулай бўлмади. Суғориладиган майдонларда уруғ тўлиқ кўкарган. Лалмикорликда эса бу 90 фоизни ташкил қилади. Айни пайтда уруғнинг униши Жиззах вилоятида 89, Самарқандда 87, Сурхондарёда 80 фоизга тўғри келади. Сирдарё ва Тошкент вилоятларида ҳам аҳвол шунга ўхшаш.

Кеч унган майсалар ривожланишдан орқада қолмоқда. Бу ҳол уларни минерал ўғитлар билан озиқлантиришни талаб этади. Бу йил топшириқ бўйича 486 минг гектар ердаги ниҳолларни озиқлантириш лозим. Февралнинг иккинчи ярмида ва эрта баҳорда кузги ғаллани озиқлантиришнинг ҳосилдорликка таъсири катта. Тажриба кўрсатишича ҳар гектар ерга қўшимча бир килограмм минерал ўғит солинса 8—10 килограмм кўп ғалла олинади. Суғорладиган майдонларда ҳозир майсалар тупланиш ҳолатида. Шунинг учун гектарига 65—75 килограмм соф азот берилса мақсадга мувофиқдир. Буни февралнинг охиригача тугатиш керак. Озиқлантиришдан кейин дарҳол суғориш тавсия этилади. Иккинчи марта ниҳоллар найчалаш даврида гектарига 65—75 килограмм минерал ўғитлар билан озиқлантирилса кўзланган ҳосилни олишга кўмаклашади. Агар кузда ҳайдовдан олдин калий берилмаган бўлса эрта баҳорда гектарига 30—40 килограмм солиш зарур. Лалмикор ерларга сира кечиктирмай, самолётлар ёрдамида 30—40 килограмм азот бериш лозим.

Афсуски, кўпчилик вилоятларда ғаллани озиқлантиришга тайёргарлик ўта қониқарсиз ташкил этилган. Хўжаликларда ўғит сепувчи техника воситалари тўлиқ созланмаган. Ҳанузгача бирорта ҳам вилоят самолётга буюртма бермаган. Шунингдек, зарур ўғитлар келтирилмаган. Самолётдан фойдаланиш, ўғитлар қимматлашгани сабабли лалмидаги ғаллани озиқлантириш самарасизлиги тўғрисида айрим хўжалик раҳбарларининг даъволари мутлақо ўринсиздир.

«Ғалла» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тажрибалари кўрсатишича, шудгорлаш вақтида гектарига 40 килограмм фосфор, шунча калий гўнг билан қўшиб солинганда, эрта баҳорда 30—40 килограмм ҳисобидан ўғитланганда ҳосилдорлик 3—5 центнер ошиб, 18—20 центнерни ташкил этган. Суғориладиган майдонларда эса гектарига 10—20 центнер ҳосил қўшилиб, 60—70 центнердан дон олинган.

Ўтган йили кўпгина хўжаликлар эришган натижалар ҳам буни исботлайди. Фарғона вилоятидаги Деҳқонов номли жамоа хўжалигида суғориладиган ернинг гектаридан 65, «Пахтакор» жамоа хўжалигида 68,5, Навоий вилоятидаги «Бухоро» жамоа хўжалигида 60 центнердан ғалла етиштирилди. Қашқадарё вилоятидаги Карл Маркс номли давлат хўжалиги ғаллакорлари 12,5 минг гектар лалми ерларнинг ҳосилдорлигини 19, «Чиял» давлат хўжалиги ва Самарқанд вилоятидаги «Олға» давлат хўжалиги ғаллакорлари 17 центнердан оширдилар.

Мутахассислар ҳисобига кўра, бир гектарни озиқлантириш учун кетадиган харажатлар суғориладиган майдонларда 5500, лалми ерларда 2760 сўмни ташкил этади. Агар гектаридан қўшимча равишда 10 центнер ҳосил олинса ва килограмми 20 сўмдан сотилса юқоридаги харажатлардан ташқари суғориладиган ерлардан 14500, лалмидан 3240 сўм фойда кўриш мумкин.

Шу кезларда ғаллакорлар олдида муҳим вазифалар турибди. Ер шароитига қараб ниҳолларни суғориш, узоғи билан 10—15 мартга қадар озиқлантириш, лалми жойлардаги кузги ғаллани бороналашга тайёргарликни туғаллаш шулар жумласидандир. Бундан ташқари баҳорда ишлатиладиган экиш сеялкаларининг шайлигини кўздан кечириш керак. Уруғлик сифатли ва етарли миқдорда бўлиши зарур. Мазкур юмушлар белгиланган муддатларда пишиқ-пухта амалга оширилса пировардида яхши ҳосил олишга эришилади.

С. ЯХШИБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ғаллачилик бошқармасининг бош мутахассиси.

ИЖАРАЧИЛАР ИБРАТИ

Майдаёбиликлар асрлар давомида чорвачилик билан шуғулланиб келишган. Қарши чўлига ҳужум бошланган дастлабки пайтларда улар Амударёдан сув олиб деҳқончилик қилишни хаёлларига ҳам келтирмаган бўлишса керак.

Қудратли техника билан Майдаёби чўллари ҳам ўзлаштирила бошланди. Бирин-кетин саҳрода янги хўжаликлар ташкил этилди. Бундан беш йил муқаддам Майдаёби қишлоғи ҳам давлат хўжалиги бўлди.

54-давлат хўжалиги ҳисобланган бу жамоа аҳолиси азалий чорвадорлик касбларини деҳқончиликка алмаштиришди. 1988 йили 500 гектар ерда деҳқончилик қилган миришкорлар республикада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажардилар. Мана, беш йилдирки, давлат хўжалиги аъзолари топшириқни на фақат Косон районида, балки Қашқадарё вилоятида биринчилар қаторида бажариб келишмоқда.

Ўтган йили 1200 гектар майдонда деҳқончилик қилган чўлқуварлар топшириқни 1600 тонна ўрнига 1800 тонна қилиб уддаладилар. Давлат хўжалигида пахта билан бир қаторда ғаллачиликда ҳам мўл ҳосил етиштирилиб, 240 тонна дон тайёрланди. Мамлакатимиз Президентининг фармонига асосан ҳар бир оилага 200 килограммдан арзон нархда ғалла сотилди. Давлат омборига ҳам 1600 тонна дон топширилди. 16 гектар ерда ғалла етиштирган Эркин Раҳматов етакчи бўлган ижарачилар ҳар гектар ердан 35 центнердан хирмон кўтардилар.

— Жорий йилги режаларимиз ҳам юксак, — дейди давлат хўжалиги директори, тажрибали деҳқон Турди Алиев. — Аъзоларимиз билан маслаҳатлашиб 1500 гектар ерга чигит экмоқчимиз. Ҳосилдорликни 30 центнерга етказишга қарор қилдик. 2500 гектар ерга ғалла, 400 гектарга беда экдик.

Айни пайтда деҳқонларимиз келгуси йил ҳосилига пухта замин яратмоқдалар. Майдонлар фосфорли ўғит солинган ҳолда сифатли шудгор қилиб қўйилди. Кузги ғалла майсалари авж олмоқда.

Шу кунларда техника ремонти давом этмоқда. 15 трактор далаларга маҳаллий ўғит—гўнг ташиш билан банд. Минерал ўғитларнинг нарҳи қиммат бўлиб кетганлигини ҳисобга олиб бунга алоҳида эътибор берилмоқда. Қишлоқлардаги кўп йиллик қўтонлар ўрнида қўй қийи кўп. Ҳар куни далаларга 150—160 тоннага яқин гўнг ташилмоқда. Ҳа, бу ерда қишки-кузги тадбирларни намунали ташкил этишган.

— Майдонларимизда шўр йўқ, — дейди давлат хўжалиги бош ҳосилоти Эшмамат Мирзаев. —Шундай бўлсада деҳқончилик қилинадиган майдонларга сув бермоқдамиз. Бу нам ерда узоқ сақланади. Унинг баҳорги экишда хосияти катта.

Айни кунларда Неъмат Эшқобилов, Мансур Совуров, Нажим Воисов, Эшмирза Қурбонов, Ибодулла Нормуродов ва Хушмурод Очилов каби ўнлаб механизаторлар юксак унум билан меҳнат қилиб, бошқаларга намуна бўлишмоқда. Хўжаликдаги суғориш тармоқлари тартибга келтирилган. Лотокларни тозалаш ишлари ҳам қизғин.

Назар ХУДОЁРОВ.

НАВРЎЗ ТАРАДДУДИ

25 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Абдулҳошим Муталов раислигида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилот қўмитасининг мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон халқ ноиблари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари, вазирликлар ва идоралар, уюшмалар ва ижодий ташкилотлар, жамғармалар ва оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари қатнашди.

Мажлисда халқимизнинг қадимий ва саховатли байрами — Наврўзни кенг нишонлаш, шунингдек миллий урф-одатлар негизида умуминсоний қадриятларни улуғлаш, халқ ижодкорлик қудратини намоён этиш, Ватанга муҳаббат туйғусини, она юртимизда яшовчи барча миллатлар ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатлик, тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлаш руҳида ўтказиш лозимлиги таъкидланди. Шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар ҳокимлари раҳбарлигида байрамга ҳозирлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмиталари тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти жамғармасининг, «Маҳалла», «Наврўз», «Экосан», Шароф Рашидов номидаги жамғармаларнинг байрам тадбирларини маблағ билан таъминлашда кўмаклашиш борасидаги ташаббуслари ҳамда Ўзбекистон давлат телерадиокомпанияси ва «Наврўз» хайрия жамғармасининг 21 март кунига мўлжалланган телемарафон ўтказиш ҳақидаги таклифи маъқулланди.

Мажлисда Тошкент шаҳрида ўтадиган Наврўз байрами тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда умумхалқ байрамини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш билан шуғулланувчи ишчи гуруҳлар таркиби тасдиқланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси, ташкилот қўмитаси раисининг ўринбосари М. Умурзоқов иштирок этди.

(ЎзА).

ҚОРАҚАЛПОҚ ЮРТ ОҒАЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

Нукусда Қорақалпоғистон юрт оғаларининг йиғилиши бўлди. Унда ўтган йил иш якунлари ва галдаги вазифалар муҳокама этилди. Республика ҳукумати бошлиғи Р. Йўлдошев шу ҳақда маъруза қилди.

Қорақалпоғистон Олий Кенгаши Раиси У. Аширбеков йиғилишда сўзга чиқиб, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 февралдаги мажлисида сўзлаган нутқида баён этилган қоидалар асосида Қорақалпоғистонни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришни жадаллаштириш масалаларига тўхталди. У эндиликда эски қолипда ишлаш мумкин эмаслигини, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

(ЎзА).

ФАХРИЙЛАР ПЛЕНУМИ

Февралнинг 25-куни Ўзбекистон Республикаси Уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг навбатдаги пленуми бўлди. Пленум асосан ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Қўмита раиси Р. Ғуломов аризасига биноан истеъфога чиқди.

Йиғилишда республика мудофаа вазири Р. Аҳмедов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим, Андижон вилояти Уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг котиби Т. Каримова ва бошқалар сўзга чиқиб, Р. Ғуломов фаолияти ҳақида ижобий фикр билдирдилар. Унга эсдалик совғалари топширилди.

Пленумда меҳнат фахрийси Б. Раҳимов кенгаш раиси этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Респбуликаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар қатнашдилар.

(ЎзА мухбири).

СОҲИБКОРЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ ЮМУШЛАРИ

Республикамизнинг тупроқ ва иқлим шароити сархил ва мўл мевалар етиштиришга жуда қулай. Саховатли заминимизда ҳар йили кўплаб ноз-неъматлар ундирилмоқда. Шу боисдан ҳамиша мева-чева сероб. Аҳоли сони ортиб бораётганлиги бундай маҳсулотларга талаб-эҳтиёжларни оширмоқда. Бозор иқтисодиёти, қимматчилик боғдорчилик ва узумчиликни янада ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда 380 минг гектар мевали боғ ва токзорлар бўлиб, шундан ҳосилга кирганлари 180 минг гектар боғни ва 102 минг гектар узумзорни ташкил қилади. Жумладан 170,5 минг гектари жамоа ва давлат хўжаликларига тегишлидир. Бундан ҳосилга кирган боғлар 67,1 минг, токзорлар эса 85 минг гектарга тўғри келади. Ҳар йили кўплаб янги-янги мевазорлар барпо этилмоқда. Жорий баҳорда ҳам жамоа ва давлат хўжаликларида 7700 гектарга яқин боғ, 5086 гектар токзор яратиш белгиланган. Ундан ташқари қариган ва хатоси бўлган мевазорларда таъмирлаш тиклаш ишлари амалга оширилади.

Бултур мева тайёрлаш топшириғи бажарилди. Лекин гектарлар самарадорлигини яхши деб бўлмайди. Аниқроқ айтганда, ўтган йили гектаридан ўрта ҳисобда 48,2 центнер мева, 43,2 центнер узум йиғиштириб олиндики, бу мутлақо қониқарли эмас. Чунки бундан 3—4 ҳисса кўп ҳосилдорликка эришаётган жамоалар бор. Уларда соҳаларга яхши эътибор берилаётгани, агротехника тадбирлари вақтида, сифатли ўтказилаётгани туфайли 150—200 центнердан ҳосил етиштирилмоқда. Шаҳрихон районидаги «Шарқ ҳақиқати», Хатирчи районидаги Навоий номли, Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон», Ургут районидаги «Иттифоқ», Бувайда районидаги Алиқулов номли хўжаликлар шулар жумласидан. Баъзи боғдорчилик ва узумчилик бригадалари янада юқори натижаларни қўлга киритмоқдалар. Боиси, уларда боғ ва токзорлар хатосиз, туплар бут. Қаровини вақтида олиб боришади. Ўғитлар билан озиқлантириш, шакл бериш, касаллик ва зараркунандаларга қарши юмушлар кўнгилдагидек бажарилади.

Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари ушбу соҳаларни ривожлантириш, илм-фан янгиликларини амалиётга жорий этиш борасида самарали ишлар олиб бормоқдалар. Бу ерда янги боғ ва токзорлар барпо қилиш, ҳосилдорликни ошириш, янги навларни синаб кўриш юзасидан катта илмий-амалий тажриба тўпланган. Шу боисдан республика боғбон ва соҳибкорларининг кўргазмали семинар-йиғилиши бирлашмада ўтказилиши тасодифий ҳол эмас. Йиғинда вилоят деҳқончилик-саноат уюшмалари раисларининг биринчи ўринбосарлари, мева-сабзавот бўлими бошлиқлари, район деҳқончилик саноат-уюшмалари раислари, хўжаликларнинг агрономлари, боғдорчилик ва узумчилик бригадирлари, олимлар ва мутахассислар иштирок этдилар. Уни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири Норбек Қаюмов очди. Шундан сўнг мазкур илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, академик Маҳмуд Мирзаев «Боғ ва токзорларда мўл ҳосил олиш омиллари» тўғрисида гапирди.

Серқуёш диёримиз—кутбаракали, хайрли макон. Бу ерда ҳамма нарсани ундириш мумкин. Фақат ана шу имкониятдан яхши, тўғри фойдалана билиш керак. Ўлка одамлари фаровон яшашга ҳақли. Шу нарса жумҳуриятимиз боғбон ва соҳибкорларининг зиммасига катта масъулият юклайди.

Ўтган йил боғбон ва соҳибкорлар учун оғир, машаққатли кечди. Ҳаво серёмғир, салқин келганлиги касалликлар кўпайишига имкон яратди. Устига-устак дориворлар етишмаслиги оқибатида уларга қарши вақтида, сифатли курашиб бўлмади. Айниқса, узумчиликда бу ўз таъсирини кўрсатди. Уч марта ўрнига бир марта дори сепилганлиги, хомток яхши қилинмаганлиги, бошқа агротехник тадбирлар пишиқ-пухта бажарилмаганлиги туфайли узум етиштириш топшириғи 50 фоизда қолди. Бошқача айтганда, 600 минг тонна ўрнига 300 минг тонна маҳсулот олинди. Шунинг эвазига 2 миллиард сўм бой берилди. Боғлар қаровида ҳам талай камчиликларга йўл қўйилди. Қатор ораларини ишлашга, озиқлантиришга, суғоришга етарли эътибор берилмади.

Бу йил қиш нисбатан иссиқ келаётганлиги касаллик ва зараркунандалар сақланиб қолишига имкон туғдирмоқда. Шу кеча-кундузда ишларни ташкил этишда бунга алоҳида аҳамиятни қаратиш лозим. Кимёвий ишловни кучайтириш, етарли дориворлар жамғариш керак. Боғбонларнинг ишлари қизиган палла. Мевали дарахтларга шакл беришни тезроқ туғаллаш зарур. Бунда уларнинг турига, ёшига, тупроқ шароитига эътибор бериш керак. Токзорларда тупларнинг талай қисми яхши кўтарилмаган ёки ерда ётибди. Тўрт қатор ўрнига икки қатор сим тортилган. Бу камчиликларни тезда тугатиш даркор.

Муҳим юмушлардан бири янги боғ ва токзорлар барпо этиш, эскиларини алмаштириш, хато жойларни тўлдиришдир. Шредер номли бирлашма бўйича 13,5 миллион туп мевали дарахт ва 15 миллион туп ток кўчатлари етиштирилди. Лекин уларга буюртма бериш кўнгилдагидек эмас. Кўнглида нияти бўлган кишилар, хўжаликлар ва ташкилотлар ҳозирдан ҳаракат қилишгани маъқул.

Кейинги йилларда шахсий томорқаларда боғ ва токзорлар ҳам кўпаймоқда. Эл дастурхони тўкин бўлишида уларнинг ҳиссалари тобора ортаяпти. Олимлар шахсий хўжаликларда ҳам мўл-кўл мева ва узум етиштиришга кўмаклашиш учун тайёрдирлар.

Семинар кўргазмали тарзда ташкил этилганлиги кўпчиликка маъқул бўлди. Йиғин иштирокчилари ўтган йили эришилган натижаларни таҳлил қилиш, келгуси режаларни белгилаб олиш билан бирга бирлашмада тўпланган тажрибалар билан танишишди. Мутахассислар бу ерда техника ва механизмлардан фойдаланиш, мевали дарахтларга шакл бериш, боғ ва токзорларга кимёвий хизмат кўрсатиш ишларини жонли, содда, тушунарли қилиб айтиб бердилар. 14 от кучига эга бўлган митти трактор нималарга қодир эканлигини кўпчилик ҳавас билан кузатди. Унинг ўз араваси, сўқаси, сихмоласи, кураги, ўғит сочқичи бор. Нархи 300 минг сўм атрофида. Агар «Сельхозмаш» концернига буюртма берилса қисқа фурсат ичида олиш мумкин.

Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бўлим бошлиғи, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Мирвоҳид Собиров мевали дарахтларга шакл бериш, токларни очиш, хуллас, боғ ва узумзорлар агротехникаси тўғрисида сўзлаб берди. Айни пайтда бу тадбирларни амалда бажариб кўрсатди.

Сўнгра бирлашманинг боғ ва токзорларга кимёвий ишлов бериш бўлими бошлиғи Ўткир Набиев зараркунанда ҳамда касалликларга қарши дориворлар билан курашиш усуллари тўғрисида гапирди.

Хўш, бу галги йиғин иштирокчиларда қандай таассурот қолдирди? Олдингиларидан нимаси билан фарқ қилди? Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида баъзи кишилар билан суҳбатлашдик.

— Узумчилик бригадасига бошчилик қилаётганимга етти йил бўлаяпти, — деди Жиззах районидаги Ҳ. Олимжон номли давлат хўжалиги бригадири Муҳаммад Аҳмедов. — 40 гектар токзоримиз бор. Шундан 30 гектари ҳосилга кирган. Уни оилаларга бир гектардан бўлиб берганмиз. Бултур 130 центнердан ҳосил олдик. Бу оз албатта. Эндиги ниятимиз ҳосилдорликни камида 160 центнерга етказиш. Шу кеча-кундузда дала ишларини маромида олиб бораяпмиз. Иккинчи марта чилла суви берилмоқда. Бугунги йиғин кўп нарса берди. Аввало мустақиллик шароитида масъулиятни чуқур ҳис қилиб ишлаш кераклиги яна бир бор кўнгиллардан ўтди.

Худойберди Абдужабборов, Бўка район деҳқончилик-саноат уюшмаси раиси:

—Мен яқинда бу ишга ўтдим. Илгари райондаги «Очамайли» жамоа хўжалигида бригадир эдим. Бундай йиғинда биринчи бор қатнашаяпман. Кўп нарсаларни ўргандим. Боғбон ва соҳибкорларнинг юмушлари енгил эмас. Аммо очиғини айтганда, бундай анжуманларга бевосита кишиларни чақириш мақсадга мувофиқ экан. Чунки улар биздан ҳам кўпроқ маслаҳатлар олиб, ўз ишларида қўллашади.

Оҳангарон районидаги «Дўстлик» давлат хўжалиги директори Илҳом Отажоновнинг фикрича, олимларимиз ишлаб чиқаришга яхши тавсиялар беришмоқда. Ҳамма гап уларга амал қилишда, тармоқ ишини тўғри йўлга қўйишда. Юртимиз мева-чева макони бўла туриб, бозорларда нарх-наво осмонда эканлиги кишини ажаблантиради. Бу ҳол боғбон ва соҳибкорларимизни янада ғайрат билан ишлашга даъват этади.

— Мен Қувасой шаҳрига қарашли «Муян» давлат хўжалигининг 1-бўлими 3-бригадасига етакчилик қиламан, — деди Абдусаттор Норматов. — Йиғинда тасодифан қатнашаяпман. Сабаби, бирлашмага қарашли Мусамуҳамедов номли боғдорчилик ва мева-сабзавотчилик техникумининг бешинчи курсида сиртдан ўқийман. Шунга келган эдим. Бундай йиғин мен каби ёшларга шубҳасиз кўп нарсаларни ўргатади. Олимлар ва тажрибакорларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитдим, бирлашмада қилинаётган ишларни кўрдим. Бригадамизга келсак, 97 гектар майдонимиз бор. Бултур мева сотиш 110, сабзавот режаси 180 фоизга бажарилди. Узум мўлжалдагидан озроқ бўлди. Бу йилги ниятларимиз катта. Бунга ҳозирдан пухта замин яратиб бораяпмиз.

Хўш, кўргазмали семинар ташкилотчиларининг фикри қандай? Ана шу савол билан республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мева-сабзавотчилик бош бошқармаси бошлиғи, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Ҳамроқул Холиқовга мурожаат этдим.

— Йиғинни ташкил қилишдан кўзланган мақсадга эришилди, — деди у. — Унинг қатнашчилари ҳам назаримда, қониқиш ҳосил қилдилар. Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳам тўғри. Лекин соҳага бевосита алоқадор кишилар — бригадирлар, агрономлар ва бошқаларни ҳар бир вилоятда йиғиб, ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилиниб, келгуси вазифалар белгилаб олинди. Уларнинг ҳаммасини бу ерга тўплаш мушкул. Шунинг учун лозим топилган ўртоқлар чақирилдилар.

Семинар кўргазмали шаклда, тушунарли ва самимий ўтганлиги билан барчага фойдали бўлди.

Эргаш ИСМОИЛ ўғли.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А. М. МАРДИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Алишер Мардиевич Марциев Ўзбекистон Республикаси адлия вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 24 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

В. Й. ОТАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Валерий Йўлдошевич Отаев Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электрлаштириш вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 26 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

М. С. ТОШПУЛАТОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Марат Содиқович Тошпўлатов бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электрлаштириш вазири вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 26 февраль.

Дала ҳакими мулоҳазаси



ЧИНОРНИНГ МУСТАҲКАМ ИЛДИЗЛАРИ

Ҳаётда нурли из қолдириб яшаган табаррук инсонлар ҳақида гап кетганида чўл дарғаси Собиржон ота Сиддиқов номи биринчилар қатори тилга олинади. Синчков, кадрларга нисбатан талабчан, ҳамиша янги режалар билан яшаган катта карвон сарбони мен каби жуда кўп ишчиларга унутилмас яхшиликлар қилган. Ота фидойи заршуносни ғоят қадрлар, иқтидорли мутахассисларни масъул лавозимларга дадил тавсия этарди.

Хўжаликда дастлаб оддий ишчи, сўнг тракторчи бўлиб ишладим. Бир куни Собиржон Сиддиқов йўқлаб қолдилар. Дала шийпонида дилдан суҳбат қурдик. Оилавий шароитим, топиш-тутишим, режаларим ҳақида сўрадилар. Кўнглим тоғдек кўтарилди. Боиси ҳамма директор ҳам ишчига ўзини яқин олиб, илиқ муомаласи билан қалбига йўл тополмаслиги мумкин.

— Ҳозирча маошнинг чўғи камроқ,— таъкидлади мураббий самимий оҳангда.

— Бироқ шундай бўлса-да, сабр қаноат билан иш юритаяпсан. Тадбирларни сифатли амалга оширишда жонбозлик кўрсатаётганингни отахонлар таъкидлаб туришибди. Маслаҳатим ерни эъзозла, техника сирларини пухта эгалла, сени бахт эшигига эгатлар олиб боради.

Собиржон ота бундай гапларни ҳар кимга ҳам айтавермасди. Меҳнатим қадр топаётганидан, назарга тушаётганимдан ўзимда йўқ хурсанд эдим. Ўша йиллари хўжалигимиздан жуда кўп пахта усталари етишиб чиқди. Уларнинг тажрибалари кенг оммалаштирилди. «Фарғона» совхозининг довруғи кенг ёйилди. Буларнинг ҳаммаси ажойиб инсон Собиржон Сиддиқовнинг омилкорлиги, ташаббускорлиги шарофати эди. Раҳбарлар менга ишонч билдириб бўлим бошқарувчиси этиб тайинлашди. Масъулиятли, синов дамлари бошланди. Ёнма-ён меҳнат қилган Тоҳир Зулфиддинов, Мухтор Муҳаммаджонов, Бахтиёр Собиров каби уста деҳқонларнинг ўгитлари қўл келди. Бизнинг шароитда пахтадан яхши ҳосил етиштиришнинг ўзи бўлмайди. Ерлар шўрланган, чўл ўзлаштиришдаги бир ёқламалик қатор қийинчиликларни келтириб чиқарарди. Шудгорлаш, заминни маҳаллий ўғитга тўйинтириш, шўр ювиш ишлари намунали ўтказилди. Дренажлар тартибга келтирилди, дала шийпонлари деҳқон оромгоҳига айлантирилди. Энг муҳими одамлар қийинчиликдан чўчимасди. Барча пировард натижа учун ўзини масъул деб биларди. Бахтим шуки, ҳамиша яхши инсонлар билан ишлаш, ҳамкору ҳамнафас бўлиш насиб этди. Яхшига суянган эса кам бўлмас экан. Биринчи йилдан иш олдинга босди. Бўлим давлатга пахта топшириш режасини ортиғи билан бажаришга эришди. Хом ашё сифати юқори бўлганлиги учун мўмай даромад олинди.

...Собиржон ота вафотидан кейин ғоят катта хўжаликни эплаш қийинлиги маълум бўлиб қолди. Район раҳбарлари кўпчилик фикр-мулоҳазасини инобатга олиб, совхозни иккига бўлишди. Янги ташкил топган «Фарғона» давлат хўжалиги ғоят қийин шароитда иш бошлади. Бошқасини қўяверинг, ҳатто тузукроқ идора ҳам йўқ эди. Иқтидорли мутахассис Олимжон Мирҳабибов директор этиб тайинланди. Унинг ишчанлик фазилатлари ҳал қилувчи дамларда асқотди. Янги жойда бош агроном сифатида иш бошладим. Дастлабки кезлар шу даражада қийин бўлдики, ҳозир шунча муаммони қандай қилиб ҳал эта олганимизга ўзимиз ҳам ҳайрон бўламиз. Ўзингиз ўйланг, уй-жой, техника, ишчи кучи етишмаса, ичимлик сув муаммо бўлса қандай қилиб юқори ҳосил ҳақида гапириш мумкин. Деҳқонларимиз садоқатда ягона эканликлари яна бир карра исботини топди. Қўлни-қўлга бериб қаттиқ меҳнат қилдик. Бош агроном сифатида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, дренажларни созлаш, ернинг берчини кетказиш юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширилди. Район раҳбарлари ҳам қараб туришмади. Янги хўжаликни оёққа қўйиш, муаммоларни ҳал этиш юзасидан амалий ёрдам, мадад кўрсатилди.

Бўлим бошқарувчиси Анвар Эргашев ҳақида яйраб гапираман. Ўзига ишонган, мўл, арзон ва сифатли ҳосил етиштиришнинг ўзига хос тажриба мактабини яратган чўлқуварлардан. Бир воқеа ёдимдан чиқмайди. 1991 йилнинг кўклами эди. Ерга барака уруғи қадаш учун тайёргарлик ишлари кетмоқда. Тушликда дала шийпонига борсам Анваржон нималарнидир ҳисоб-китоб қилиб ўтирарди.

— Тинчликми сарбон, — гапга тутдим қизиқсиниб.

— Қаловини топсанг қор ёнади, деб бежиз айтишмайди, — фикрини ифодалади уста деҳқон, — асл чўлқуварлар илғор иш усуллари, фан ютуқларини жорий этиб, ҳосилдорликни гектарига 10—12 центнерга оширишга муваффақ бўлишяпти. Йигитлар билан маслаҳатни бир жойга қўйдик. Бу йил мажбуриятни катта оламиз. Ҳосилдорлик гектарига камида 35 центнерни ташкил этади. Фақат ер табиби сифатида бизни қўллаб-қувватласангиз бўлгани.

Анвар Эргашев ўз сўзининг эгаси. Бир фикр айтиш олдидан обдон ҳисоб-китоб қилади. Тажрибакорлар билан фикрлашиб, ўзи комил ишонч ҳосил қилганидан кейин ниятини кўпга маълум қилади. У кузги шудгорга алоҳида эътибор берганди. Катта ҳашар уюштирилиб, хонадонлардан далага нури, маҳаллий ўғит ташиб келтирилди. Сув йўллари таъмирланди, шўр ювиш сифатли ўтказилди, лоток ариқлар ётқизилди. Бахтиёр Эргашев, Жониқул Пирметов каби бригада бошлиқлари бўлим бошқарувчисига ҳамкор, мададкор бўлишди. Ўзим мўл, арзон ва сифатли ҳосил етиштириш юзасидан тўпланган бой тажрибаларни кенг тарғиб қилдим. Увол бўлиб ётган ерлар ҳосил берадиган майдонларга қўшиб олинди. 1991 йили бўлим заршунослари довруғ таратишди. Оғир шароитда фаолият юритаётган бўлишларига қарамай гектар ҳосилдорлиги 38 центнерга етказилди. Бу режадагидан 11 центнер кўп.

Ўтган йили Анвар Эргашев шогирдлари билан яна бир катта синовдан ўтди. 400 гектар ерда деҳқончилик қилди. Унинг 200 гектарига чигит экди. Ҳар бир ниҳолни меҳр билан парваришлашди. Тадбиркорга омад ҳамиша ёр, деган нақлнинг яна бир исботини кўрдик. Жамоа ҳар гектар ердан 35 центнердан хирмон кўтарди.

Ҳар бир хўжаликда фахр билан тилга олинадиган дарғалар бўлади. Салоҳиддин Мадаминжонов ҳам тан олинган бўлим бошқарувчиларидан. У ўз ўрнини топган, кучли одам. Кам гапиради, натижаларни йил сайин яхшилаб бориш учун куйиб-пишади. Яна бир фазилати — ҳар йили ҳайрли ишга қўл уради. Хусусан, 1992 йилда 40 гектар ерда буғдой етиштирди. Ҳосилдорлик гектарига 45 центнерни ташкил этди. Ана шундай фидойи кишиларимиз туфайли давлатга дон топшириш бўйича Сирдарё вилоятида энг юқори кўрсаткичларга эришдик, «Фарғона» давлат хўжалиги 790 тонна буғдой етиштириб, шундан 600 тоннасини давлатга топширди.

8-бўлим бошқарувчиси Анвар Қобулов ҳам чўл чироғини ёққанлардан. У техникага алоҳида эътибор беради. Давлатга фақат юқори сифатли оқ олтин топширишга ҳаракат қилади. Шу боис бўлим ишчилари йил сайин мўмай даромад олишмоқда. Ҳалол меҳнат туфайли топилаётган миллионларимиз қишлоқларни ободонлаштириш, ижтимоий соҳа муаммоларини ҳал этишга хизмат қилаяпти. Ўтган йили асосий тармоқда йиллик режа қарийб 105 процентга бажарилди. Бунинг шарофати туфайли 40 миллион сўм одамларга мукофот тариқасида берилаяпти. Шу пайтгача 12 та уй қурилиб фойдаланишга топширилди. 40 таси эса жадал суръатда тикланмоқда. Шунингдек, мактаб учун қўшимча синфхоналар, омборхоналар бунёд этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ишчилар, хизматчилар кайфиятига кайфият қўшмоқда.

Айни кунларда дала ишлари намунали олиб борилмоқда. Кунига далага 70—100 тонна атрофида ўғит чиқараяпмиз. 150 тонна компост тайёрланди. Махсус ҳосил бригадаси тузилгани қишки юмушларни сифатли амалга оширишда муҳим омил бўлди. Унга етакчилик қилаётган Маматқул Пирматов, техника ихлосманди Алижон Эгамбердиев мўл ҳосилга пухта замин ҳозирлаш учун мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишмоқда. Техникани созлаш ҳам кўнгилдагидек кетаяпти. Муҳим ишда Холмат Туропов, Олим Исмоилов кабилар намуна. Шу кунгача 80 та культиватор, 23 та сеялка кўрикдан ўтказилиб, тайёргарлик чизиғига келтириб қўйилди. 45 та «Олтой» трактори пухта созланди.

Бозор иқтисодиёти олдимизга қатор муаммоларни қўймоқда. Ҳар бир раҳбар, мутахассис иқтисодиётни юксалтириш, маъмурчиликни таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшиши керак. Аввало бош агроном сифатида ерни эъзозлаш, ҳар бир жамоада юқори ҳосил етиштиришга эришиш, ички имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаяпман. Бир йилдирки оила аъзоларим билан хайрли ишга қўл урдик: фермер хўжалиги ташкил этдик. Ҳамжиҳатликда 5 та новвос, 2 сигир, 10 та қўй парваришлаяпмиз. Жониворлар сонини ошириб бориш ниятидаман. Бултур давлатга 1 тонна гўшт топширдик. Бу йилги режа мазкур кўрсаткични 2,5 тоннага етказиш. Чорва озуқасидан қийинчилик йўқ. Ҳар йили барча молларга етиб ортадиган емиш жамғаришга эришилмоқда. Ўзимча фикр қиламан: қаерда ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат барқарор бўлса, одамлар бир-бирларини чин дилдан ҳурматлашса, ўша ерда албатта муваффақиятга эришилади. Хўжалигимизда барча тармоқ бирдек ривожланаётганининг бош омили ҳам шундадир.

Убайдулла ТУРОНОВ,
Оқолтин районидаги «Фарғона» давлат хўжалиги бош агрономи.

ҚУРУВЧИЛАР ШИЖОАТИ

«Наманганводстрой» трестининг учинчи механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари Уйчи районида кўплаб муҳташам бинолар барпо этиш билан эл оғзига тушганлар. Тўлқинжон Жўраез, Валижон Имомов ва Муродулла Қурбонов бошлиқ бўлинма азаматлари 1992 йили 28 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаргандилар. Улар Шароф Рашидов номли хўжаликда сув иншооти барпо этдилар. 884 квадрат метр уй-жой қурилди. «Зарбдор» жамоа хўжалигида 100 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

1993 йилда сув хўжалиги қурилиши азаматларининг мўлжаллари юксак. Айни кунларда катта Наманган канали ва Уйчи тумани марказидаги деҳқонлар бозорида кенг кўламли ишлар жадал олиб борилмоқда.

ЯНГИ ИШЧИ ЎРИНЛАРИ

Наманган вилояти матлубот жамиятлари уюшмаси бозорни кундалик эҳтиёж моллари, одамларни эса иш билан таъминлаш борасида кенг тадбирларни амалга оширмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан кўпгина корхоналар изланиш йўлидан бориб яхши натижаларни қўлга киритишаяпти. Мазкур уюшмада қўшимча равишда ташкил этилган 17 цехда ўтган йили 520 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланиб, аҳолига сотилди.

1993 йилда улар сафига 120 та цех қўшилади. 1200 киши ишга жалб этилиб, хилма-хил кийим-кечак, трикотаж, кулолчилик, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

ЧЎЯН ЎРНИГА

БУХОРО туманидаги Асад Шокиров номли жамоа хўжалиги хонадонларини газлаштиришда жумҳуриятда биринчи бўлиб, полиэтилен қувурлардан фойдаланилди.

Бухоро вилояти газлаштириш бошқармаси бош муҳандиси Тўймурод Омоновнинг маълум қилишича, полиэтилен қувурлардан фойдаланиш муддати юз йилдан ортиқ экан. Одатдаги пўлат ва чўян қувурларини эса 50—60 йилда алмаштиришга тўғри келади. Шунингдек, иқтисодий жиҳатдан ҳам анча тежамкорликка эришилди. Янгилик жорий этилган хўжаликда 2 километр масофага полиэтилен қувурлар ётқизилганда 1 миллион 854 минг сўм иқтисод қилинган.

ҲАСАНБОЙЛИК ОБИД КЕТМОНЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш чоралари тўғрисида»ги қарори қишлоқ хўжалиги ходимлари зиммасига янги вазифаларни қўймоқда. Бозор иқтисодиёти даврида жамоа хўжаликларига раҳбарлик қилиш осонми? Сабзавоткор хўжаликларда ҳосилдорликни ошириш муаммоларини қандай ҳал этса бўлади? Ижара усули кимларга ёқмаяпти?

Биз Тошкент туманидаги Ҳасанбой жамоа хўжалигининг раиси Тўлқин Алимов билан қилган суҳбатимизда ана шу саволларга жавоб олдик.

— Жамоа хўжалигига раҳбарлик қилиш осон иш бўлмай қолди, — деди Т. Алимов.— Илгари дўқ-пўписа билан бўлса ҳам деҳқонни бир амаллаб ишлатса бўларди. Энди бу гаплар ўтмай қолди. Ҳозирги деҳқон ҳақини жуда таниб қолди. Бамисоли Қодирийнинг Обид кетмони дейсиз. Энди у сиз билан қўлида дафтар-қалам тутиб гаплашади. Ҳа, барака топкур, деҳқон эсини таниб ҳисоб-китоб билан иш юритишга ўрганса, бунинг нимаси ёмон? Ахир, биз қилни қирқ ёрадиган ишбилармон бойларимизни қулоқ қилиб нима обрў топдик?

Ижара пудратини қўллай бошлаганимизда ер эгасиз қолиб иш унмайди, деганлар ҳам бўлди. Ернинг асл эгаси деҳқон бўлмай ким бўлади, дейман уларга. Ижара усулида тайёр ошга баковиллар йўқолади, ҳосилнинг эгаси деҳқоннинг ўзи бўлади. Шартномадагисини давлатга топширу қолганини қандай қилиб сотиб бола-чақангга олиб бормайсанми?

Ризқини даладан терадиган деҳқон ер ҳақида гапиради. Шаҳар билан орамиз бир километр чиқар-ов. Тошкент ҳалқа йўли бўлмаганида аллақачон хўжалигимизга шаҳар босиб келган бўларди. 1991 йили 648 гектар суғориладиган ерга эга эдик. Ўтган йили бирданига 90 гектар экин майдонидан ажралиб қолдик, Лекин, ер камайгани билан оилалар кўпаймоқда.

Ана шундай долзарб бир пайтда ижарачи ва деҳқон хўжаликларининг кўпайишидан нега чўчиймиз? Тўғри, карам экишга корафта бўлиб қолганмиз. Аммо, сабзавотчилик биргина карамдан иборат эмас-ку. Ахир, унинг ўнга яқин тури бор. Уларни ҳам кўплаб етиштириш лозим. Очиғини айтганда, бу юмушларни ҳам ижарачилар бажара бошлади. Ернинг эгаси деҳқон, деб қуруққина айтиб қўя қолмайлик. Шартномани тузиб, бу ёғини ташлаб қўйсак инсофдан бўлмас. Хўжалик раҳбарларининг каттадан-кичиги ижарачининг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб турмоғи лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорида таъкидланганидек, ислоҳотларнинг пировард натижада хўжалик ички иқтисодий муносабатларини тубдан ўзгартириб, мулкчиликнинг жамоа ва ижара шакллари негизида сифат жиҳатидан янги мустақил ишлаб чиқариш бўлинмалари барпо этишни таъминлаш керак. Дарҳақиқат, ижара ишга барака киритмоқда. Саксон фоизга яқин ер деҳқонларга бўлиб берилди. Сабзавот режасини-ку бажардик. Картошкадан ҳам юқори ҳосил олдик. Ахир, бир вақтлар ерга эккан уруғни ҳам ололмай доғда қолардик-да. Картошка ҳосили режадагидан 120 тонна ортиқча бўлди. Пиёз етиштиришда оила пудрати қўл келмоқда. Шаҳарликлар биздан 200 тонна ўрнига 500 тоннадан ортиқ пиёз олдилар. Сабзи ҳосили ҳам мўлжалдагидан икки баравар ошиб кетди.

Сабзавот экинларининг ҳосилдорлигини оширишнинг асосий йўли деҳқончилик маданиятини кўтаришга боғлиқ. Маданият деганда деҳқон ерни ҳайдашдан тортиб, то ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган жараённи тушунади. Кейинги вақтда экин майдонлари майдалашиб кетди. Оқибатда, техникадан тўлиқ фойдаланиш имконияти камайиб бормоқда. Демоқчиманки, биз экин пайкалларини яхлитлаштирмай туриб, механизациядан самарали фойдалана олмаймиз. Ижарачига эрк бериш билан бирга, унинг ерга жавобгарлигини ҳам шартномага ёзиб қўйиш керак. Мақсад бир амаллаб

Долзарб мавзу

ҳосилни ундириб олиш эмас, балки ерни вақти-вақти билан боқиб туришдан ҳам иборатдир. Бу ўринда алмашлаб экишнинг хосиятини эслатиб ўтмоқчиман.

Ижара усулида деҳқончилик қилган оилалар яхши даромад олишди. Шартнома бўйича етиштирилган ҳосилнинг 50 фоизини келишилган нархда колхозга топширишлари керак эди. Аммо, бозорда овора-сарсон бўлишни истамаган айрим ижарачилар ҳатто барча ҳосилни хўжалик омборига топширди. Маҳсулотни бетўхтов қабул қилиб олиш учун шароит яратилди. Баъзилар эса авжи ҳосил етилганида ўзларини бозорга уриб, сарасини пуллаб қолишга ҳаракат қилдилар. Улар колхоз омборига келиб тушадиган маҳсулот ҳам сара бўлиши лозимлигини унутишди. Оқибатда, деҳқон билан омборчи ўртасида келишмовчилик пайдо бўлди. Янги ҳосил йилида бундай камчиликларга йўл қўйилмайди...

Ижарачи Собир Холматов шарҳи:

«Айтиб қўяй, даладан омборга чиққан ҳосил сифатсиз бўлдими, ўртадан барака кўтарилди деяверинг. Мен юз фоиз ҳосилни хўжаликка топшириб, пулини санаб оламан. Айрим ижарачилар бу ишимни ёқтиришмайди. Аввал бозорда сотмайсизми, дейишади. Умрни бозорда ўтказгандан кўра далада ишлаган яхши эмасми? 50 йилдан бери деҳқончилик қиламан. Керилиш эмас, бирон марта омборга сифатсиз маҳсулот берган эмасман. Шаҳардан келган мижозлар, Собир аканинг ҳосилидан оламиз, деб бежиз кутиб туришмайди.

Эртанги картошканинг ҳар килосига хўжалик 8 сўмдан тўлади. Биляпман, бозорда қанчадан сотардингиз, демоқчисиз. Тўғри, ўша вақтда картошканинг бозор баҳоси 12—13 сўмдан бўлган. Лекин бир машина юкни шаҳарга олиб бориш минг сўмга тушяпти. Умрнинг бекор ўтгани-чи...».

— Тўлқин ака, сиз меҳнат қилаётган Ҳасанбой қишлоғининг довруғи оламга кетган, десам хато бўлмас. Негаки эл ичида, Ҳасанбойнинг бир шингил узумини еган чумчуқ Маккадан ҳам қайтиб келади, деган таъриф юради.

Бу гаплар тўғри. Аммо Ҳасанбойнинг узумига кўз тегиб турибди. Хонадонларда то эрта баҳоргача олтиндек товланиб турадиган узумлару ёқут олмалар қани? Бир вақтлар ҳар гектар узумзордан 30 тоннадан ҳосил олинарди. Ўтган йили ҳосилдорлик 50 фоизга камайиб кетди. Соҳибкорларнинг алами ичида. Табиат уларни доғда қолдирди. Авжи ток ғўрага кирган вақтда узлуксиз ёмғир қуйди. Кул касаллигига қарши беш марта ишлов берилди. Аммо узум ўнгланмади. Айбни табиатга қўйишга ўрганмаган халқимиз бу йил узумдан мўл ҳосил оламиз, деб енг шимариб турибди.

Боғбон Турсунбой Абдуллаев шарҳи:

«Бир вақтлар Ҳасанбой боғлари 45 тоннадан узум бергани рост. Айбни табиатга қўйиб, қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Ҳосилни олтингугурт қутқаради. Тўғрисини айтганда, хўжаликда олтингугурт танқис. Борини бир амаллаб 60 гектар боққа етказишга тўғри келди. Дорилашни сифатли ўтказишда гап кўп. Олтингугурт тегмай қолган боғларда яна касаллик кўпайиб кетди. Ҳар бир боғбон дорилаш вақтида назорат қилиб турсин. Мен ўзим 50 сотих боғни парваришлаб, 13 тонна ҳосилни олдим...».

Жамоа аъзолари хўжаликни фақат тадбиркорлик билан бадавлат қилиш мумкинлигини тушуниб қолишди. Тўғри, пулнинг қадрсизланиши бизни қийнамоқда, Бир машина маҳаллий ўғитни ташиб келишнинг ўзи 5 минг сўмга тушгандан кейин бошқасини қўяверинг. Вазирлар Маҳкамаси ана шу вазиятни ҳисобга олиб ва қишлоқ хўжалик самарадорлигини ошириш мақсадида бу тармоқда иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш зарурлигидан, қабул қилди бу қарорни. Дарҳақиқат, хўжалик юритишнинг янги шаклларига ўтмай туриб аҳолини фаровон қилиб бўлмайди. Бунинг учун ҳар бир соҳанинг самарадорлигини таъминламоқ лозим.

П. НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

ОМИЛКОРЛИК

Мирзачўл районида ғалла майдонларини кенгайтириш, ундан юқори ҳосил олиш йўлида ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Сегизбоев номли, Абай номли, «Тошкент» давлат хўжаликларида гектаридан 44—50 центнердан дон олишга эришиб келинмоқда. Ўтган йили аҳолига 254 тонна ғалла сотилди. Ҳар бир хўжаликда электр тегирмонлари ишлаб турибди. Район ҳокимлиги аҳолининг ғаллага бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида 243 гектар қўшимча майдонга дон экди.

* * *

Районда хорижий мамлакатлар билан алоқа мустаҳкамланмоқда. Яқин вақт ичида хўжаликларнинг марказий қўрғонларида ип-йигирув фабрикаси, ғишт, шакар заводлари қурилади. Покистон, Германия давлатлари билан қўшма корхоналар барпо этиш ҳақида шартномалар тузилди.

* * *

Ҳозирги кунда районда 53 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларга 345 гектар ер ажратилган. Ўтган йили онлавий фермалар истеъмолчиларга 178 тонна сут етказиб бердилар. А. Дарвишев, Қ. Ўразов, А. Холиқов каби ишбилармонлар барчага намуна. Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш мақсадида «Тадбиркор» банки тузилди. Энди унда ҳар бир фермернинг ўз ҳисоби бўлади.

С. ТУРДИЕВ.

ДЎСТИНГ КИМЛИГИНИ АЙТ-ЧИ?

Яқин вақтларгача ўзбек газетхони Ўзбекистондаги демократия ва тараққиётнинг тақдири учун дунёда ҳаммадан кўра кўпроқ ким ташвишланаётганини яхши билиши амри маҳол эди. «Известия», «Независимая газета», «Московские новости» ва «Новое время» ташвишланаётган экан. Энди маълум бўлишича, мазкур «энг демократик нашрлар»нинг бу ғариб рўйхати қисилиб қолди. Ҳа, ёш ўзбек демократияси ҳақида... Вашингтонда уя қуриб олган АҚШ инсон ҳуқуқлари яҳудий кенгашларининг бирлашмаси ҳаммадан кўра кўпроқ қайғурмоқда. Нимасини айтасиз, Америка яҳудийларининг тошкентлик ўз сафдоши Абдуманноб Пўлатовни Ўзбекистондаги «золим маъмурлар»дан ҳимоя қилишдан ҳам муҳимроқ, муаммоси йўқ-да.

Республикадан неча минг километр наридаги бу ташкилот арбоблари Россия матбуотига сохта ҳуқуқ ҳимоячиларининг гўё таъқиб этилаётгани ҳақидаги туткуруқсиз гапни ўтказиб олишга нечун зўр бериб уринаётганликлари сабабини бундан бошқача изоҳлаш қийин. Айрим газетчиларнинг гўё ўзбек тоталитар тузумининг бегуноҳ қурбони хусусидаги оҳ-воҳлари ва оғиз кўпиртиришлари ҳаёсизликка айланиб бормоқдаки, бу машмаша қаршисида яқин Тожикистонда ҳам ёки босиб олинган олис Фаластинда ҳам инсон қадр-қимматигина эмас, одамзотнинг ўзи ҳам ҳақиқатан топталаётганини илғаб олиш қийин бўлиб турибди. Океан нариёғидаги бирлашма фаоллари Тожикистонда бегуноҳ қурбон бўлган ўн минглаб кишилар ҳақида, ўз юртидан қувилган фаластинликлар тўғрисида, Югославиядаги фуқаролар урушининг даҳшатлари тўғрисида, дафъатан қашшоқлашиб қолган миллионлаб Россия фуқаролари ҳақида асло қайғураётгани йўқ. Улар Пўлатов ва унинг шериклари ҳақида қайғурмоқда. Норозилик телеграммалари, хатлар юборишмоқда, бунга дипломатия ваколатхоналарини жалб қилишмоқда. Ҳаво тўлқинларини Ўзбекистоннинг миллий қаҳрамони таъқиб этилиши ҳақидаги даҳшатлар билан қалаштириб ташламоқдалар.

Бақириқ хитобномалар остидаги имзоларга назар ташлайлик. А. Дубнов, И. Ротарь, М. Лебедева, Ю. Шмидт, яна уч-тўртта фамилия бор. Ана шу муаллифларнинг имзолари қўйилган айнан бир мазмундаги сохтакорликлар демократия таянчи бўлган «Известия»дан ўзини эркин деб атовчи «Московские новости» саҳифаларига, у ердан мустақиллиги шубҳали бўлган «Независимая газета», «Новое время» ёки Россиянинг «Вести»ларига кўчиб юрибди. Шу ғариб тўда Москвадаги Ўзбекистон элчихонаси биноси ёнида йўлтўсарлик қилиш билан чекланмай, адибларнинг марказий уйида журналистлар билан учрашув ҳам ўтказмоқда. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бузилаётгани ҳақидаги ҳеч бир далил-исботсиз ҳавойи гаплар ҳамма жойда қайта-қайта такрорланмоқда.

Ўша АҚШ яҳудийлар кенгашининг бирлашмаси Москва бюроси яқинда журналистлар билан уюштирган суҳбат мана шу сохта демократик машмашанинг ишбошилари ва ижрочилари кимлигини очиқ-ойдин кўрсатди. Совет яҳудийларини ҳимоя қилиш бирлашмаси Москвадаги бўлимининг сиёсий директори Аркадий Дубнов машмашага бош-қош бўлиб турибди. Ҳа-ҳа, бу зот «Новое время»нинг мухбири бўлиб, яқинда журнал саҳифасида босилган мақоласида иғвогарларча Тожикистондаги биродаркушлик уруши авж олишида Тошкентни гуноҳкор қилиб кўрсатишга, ўзбеклар билан тожикларни тўқнаштиришга уринган эди.

Уйдирмалар, далилларни сохталаштириш, бир ёқлама хулосалар чиқариш — мана шуларнинг ҳаммаси Дубнов ва шериклари ижодиётининг ўзига хос белгиларидир. Мана шу кимсалар «Пўлатов иши» тарзидаги яна бир қаллобликни тўқиб чиқардилар. Шу қаллоблик баҳонасида улар АҚШнинг собиқ давлат котиби Бейкер томонидан «Бирлик»ка бўлган зўр қизиқишнинг яна бир манбаини очишни хоҳламаётганмиканлар? Президент Ислом Каримов «Комсомольская правда» газетаси мухбирининг саволларига яқинда қайтарган жавобларида бу қизиқиш нечоғлик катталигини, масалан, бу савлатли ҳуқуқ ҳимоячиси «Бирлик» томонидан қонун талаблари бузилишига парво қилмасликни нақадар хиралик билан тавсия этганини гапириб берган эди.

Эҳтимол, жабрдийда А. Пўлатов ҳеч қаерда ишламай, кўп вақтдан бери Москва, Истанбул, Бангкок, Лондон, Бокуга ва Тошкентдан жуда олис бошқа пойтахтларга сафар қилганида, бунинг учун керакли катта пулни кимдан олганини билишни истарсиз?

У қўлга тушган пайтда ёнидан бир ярим миллион сўмдан кўпроқ пул чиқди. Хўш, ўзини Ўзбекистонда меҳнат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилганман, деб юрган бечора доцент шунча пулни қаердан олди экан?

Ниҳоят, ҳалиги энг эркин, энг демократик ва энг либерал матбуот А. Пўлатовга инсон ҳуқуқлари миллий комитетининг раиси лавозимини бериш билан жуда ўтакетган сохтакорлик қилганининг сабаби нима? Ўзбекистонда бундай комитет бор, у рўйхатга олинган ва ишлаб турибди. Аммо унга бошқа киши — ҳурматли ва мўътабар ҳуқуқшунос олим бошчилик қилмоқда, унинг А. Пўлатовга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Ана шу ва бошқа кўпгина саволларга виждонан жавоб қайтариш — «Бирлик»нинг айниб-чириган юқори табақаси хорижий махсус маҳкамалардан навбатдаги садақани олиш илинжида ўз халқига қарши ҳаракат қилаётганини, ҳар қандай туҳмат ва қабиҳликдан жирканмаётганини тан олиш бўлур эди. Уларнинг бутун фикр-хаёлида не-не саъй-ҳаракатлар билан қарор топтирилган осойишталик ва барқарорликни бузишдан, халқлар орасига нифоқ солишдан, уларни қарама-қаршилик гирдобига итқитишдан бошқа нарса йўқ.

Бу кимсаларнинг қисмати — аянчли. Ўз илдизларидан маҳрум бўлган инсонлар раҳм-шафқатга умид боғлай олмайдилар. Улар ўзгаларнинг ювиндихўрларига айланган муртадлар қисматига учраб, ҳамманинг нафратига дучор бўлишлари муқаррар.

А. АУЛОВ.
журналист.
Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси.
Тошкент.

ТАҲРИРИЯТДАН. **«Правда Востока» бу мақолани эълон қилиш орқали демократияни ривожлантиришга қарши чиқаётгандек бўлиб туюлмасин. Энг муҳим тушунчаларни сохталаштириб, ҳақиқий далилларга хилоф равишда ўз йўлини тиқиштираётган бу кампания ташкилотчилари гуруҳи республикадаги вазиятни айнан шундай деб тасвирлашни жуда хоҳлар эдилар. Бироқ, қонунни бузиш — демократия эмас. ҳолбуки Пўлатов қонунни бузишда айбланди, «Бирлик»нинг имзоси билан русийзабон аҳолига пўписа сўзлар ёзилган миллатчилик руҳидаги варақаларнинг тарқатилиши эса, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш эмас. «Бирлик» раҳбарлари бундай варақалар ёзганликларини тан олмаяптилар. Аммо улар халойиқ олдига чиқиб, газетамизда шу хусусдаги ўз фикрларини тушунтириб бериш ҳақидаги ҳамма даъватларни жавобсиз қолдирдилар. «Бирлик» раҳбарлари зўр бериб шуғуллангани бирдан-бир иш шу бўлдики, улар Ўзбекистон ташқарисида туриб республикани ва унинг раҳбарларини бадном қилишга киришдилар. Айрим собиқ марказий нашрларга эса айни шундай кимсалар керак.**

Ҳозир Москвадаги баъзи оммавий ахборот воситалари қилаётган ишларнинг ахборотга мутлақо дахли йўқ. Москвалик журналистлар ўзларини «тўртинчи ҳокимият» деб атаб, шу ҳокимиятнинг ёлғонявшиққа асосланган сиёсий фаолиятини авж олдирмоқдалар, бошқа давлатга нисбатан тажовузкорлик ҳаракати қилмоқдалар. Бунга эса бепарво қараб туриш, уни жавобсиз қолдириш мумкин эмас.

(«Правда Востока» газетаси, 25 февраль).

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Ғузор ноҳия марказида янги муҳташам, замонавий маъмурий бинолар қад кўтариб, чиройли кўркам шаҳар тусини олмоқда.

Яқинда қурилиб фойдаланишга топширилган икки қаватли замонавий бинони шу тумандаги 244-механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари битказишди. Бу бинога радиоузел, телефон, матбуот уюшмаси, туман алоқа ходимларининг идоралари жойлашди.

И. МАЛЛАЕВ.

* * *

Чироқчи туманидаги «Чиял» давлат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси хўжалик ишчи - хизматчиларининг маданий ҳордиқ чиқаришларини ташкил этишга алоҳида эътибор бермоқда. Яқинда хўжалик касаба уюшмаси ташаббуси билан меҳнат илғорларидан бир гуруҳи учун мустақил республикамиз пойтахтига саёҳат уюштирилди. Уч кунлик сафар давомида хўжалик ишлаб чиқариш илғорлари азим шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрдилар.

Б. БОБОРАҲМАТОВ.

РЎЗҒОР ХАЛТАСИ

(У қайси мамлакатда қандай тўлдириляпти?)

Бизда ўртача маош мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларидагидан кам, шу боис уларда яшаш шароити яхшироқ дегувчилар бор. Улар масаланинг иккинчи томонини атайлаб унутадилар ёки билмайдилар — у ҳам бўлса, ҳар бир мамлакат ёки халқнинг қўлидаги пулнинг харид қуввати, қудрати. Ўзбекистонда 1 килограмм гўшт сотиб олинган пулга Москвада унинг 100 граммини ҳам бермайди. Тошкентда 1 квадрат метр уй-жой ҳозир минг сўм атрофида бўлса, Москвада 500 минг сўмдан 700 минг сўмгача. Республикамизда уйини хусусийлаштирган кишилар ўрта ҳисобда 15—20 минг сўм тўлаган бўлсалар, худди шундай уйларни Москвада 3—4 миллион сўмга ҳам харид этиш амримаҳол.

Дунёда шундай мамлакатлар ҳам борки, ҳар бир ишчи миллий валютада ўрта ҳисобда 10-12 миллион маош олади. Айни пайтда тушлик овқатнинг ўзи 70—80 мингга тушади. Айрим давлатларда ўртача маошнинг 50—60 фоизи уй-жой ижараси учун сарф этилади.

Келинг, узоққа бормай, МДҲ давлатларида аҳоли рўзғор халтаси қандай тўлдирилаётганини кўриб чиқайлик. Диаграммага қаранг:



Бу диаграммани — унда кўрсатилган мамлакатлар аҳолисининг рўзғор халтаси деса бўлади. Диаграмманинг катакча ва чизиқчалари рўзғор халтасининг тўлалик даражасини кўрсатади. Ундан маълумки, бу кўрсаткич, ҳар жойда ҳар хил. Молдовада —13 фоиз, Қирғизистонда — 24 фоиз, Украинада — 20,9 фоиз, Арманистонда — 26,2 фоиз. Бошқача қилиб айтганда, мазкур мамлакатлар аҳолиси рўзғор халтасининг чорак қисминигина зўр-базўр тўлдира олади. Қозоғистон ва Россияда рўзғор халтасининг ярми тўлмоқда, холос. Юқоридаги давлатлар орасида Ўзбекистондагина аҳоли рўзғор халтаси тўлмоқда.

Бунинг яна бир мисоли сифатида «Азия» халқаро ҳафталигида эълон қилинган қуйидаги рақамларга эътиборни жалб этмоқчимиз.

1993 йил 12 февралдаги баҳоси (сўм)	Нон	1 литр сут		1 кг гўшт		1 кг сариёғ	
		давлат савдосида	бозорда	давлат савдосида	бозорда	давлат савдосида	бозорда
Олмаота	15	32	60—70	341	450—600	396	620
Бешкек	16—18	54	—	450	500	620	700—800
Москва	28	48—64	250—300	548	1800 2500	970	—
Санкт-Петербург	57—66	38—56	—	250—350	—	860—1080	—
Тошкент	6—8	10	—	150	—	180	—

Энди яна бир ҳисоб-китоб қилайлик. Нон Тошкентдагига нисбатан ўрта ҳисобда Олмаотада —2, Бешкекда—2, Москвада —4—5, Санкт-Петербургда—10 баравар қимматроқ. Худди шундай ҳолатни сут, гўшт, ёғ ва бошқа маҳсулотларда ҳам кузатиш мумкин.

Ўзбекистон ва МДҲ давлатларининг аҳолини ҳимоя қилиш бўйича сиёсати бошқа-бошқачадир. Аввал-бошданоқ Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсат юргизиш унинг тараққиётидаги устивор йўналиш қилиб олинган. Бу жиҳатдан респбуликамиз МДҲ давлатлари орасида олдинги ўриндадир.

Диаграммадан кўриниб турибдики, демократик Қирғизистоннинг қудрати ўз аҳолиси рўзғор халтасининг атиги 24 фоизини, Молдова — 13 фоизини, Арманистон—26,2, Украина — 20,9, Россия — 43 Қозоғистон —46 фоизини қондиряпти. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 121,5 фоизга тенг.

Ўзбекистон ижтимоий сиёсатининг ўзига хос яна икки жиҳати бор:

Биринчиси, узоқ вақт давомида, СССР доирасида, Лассалнинг иш ҳақи тўғрисидаги назариясига амал қилинган эди. Масалан, колхозчиларга иш ҳақининг 10 фоизи тўланар эди. Ўзбекистон бу қоидадан воз кечган биринчи давлат бўлди. Республикамиз Президентининг 1992 йил 28 майдаги фармонига биноан маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларида деҳқонларнинг меҳнат ҳақи улуши 70 фоизгача етказилиши тавсия этилди. 1992 йилнинг 1 июнидан бошлаб қишлоқ хўжалик корхоналари қўшимча қиймат солиғидан озод этилди. Уларнинг ўз маҳсулотларини ўзлари тасарруф қилиш имкониятлари йил сайин ортмоқда!

Шунинг эвазига Қарши туманининг Юсуф Хушвақтов номидаги давлат жамоаси 15 фоиз ва режадан ортиқча пахтани сотиш ҳисобига 500 миллион сўм даромад олишни мўлжаллаб турибди. Пахтанинг қолган 85 фоизи ва бошқа маҳсулотларни сотишдан олинадиган фойда бу ҳисобга кирмайди. Хўжаликда 500 оила истиқомат қилади. Республика бўйича деҳқонларнинг ана шундай қўшимча даромади 20 миллиард сўмдан иборат бўлади. Бу — Ўзбекистоннинг 1990 йилги бюджети даромадидан 500 миллион сўм кўпдир.

Иккинчиси, Ўзбекистонда 1993 йил январидан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси жорий қилинди. Бу инқилобий ҳужжат бўлиб, уни ўз вақтида на Брежнев, на Горбачёв эплай олмаган эди. Унда қўйилган механизм на Россия, на Беларусьва на бошқаларда бор. Ана шу тариф сеткаси бўйича меҳнат ҳақининг энг кам миқдори доимо ва узвий равишда унинг энг юқори миқдорига боғлиқ қилиб қўйилган. Бунинг маъноси шуки, эндиликда ҳеч бир корхона раҳбари илгаригидек маошни ўзича оширолмайди. У корхонада меҳнат ҳақини ошириш имкони бўлса, уни энг кам миқдордан бошлашга мажбур бўлади. Бу усул мулк шаклидан қатъий назар, халқ хўжалигининг барча соҳаларига таааллуқлидир.

Хўллас, баъзи бировларнинг Ўзбекистон ижтимоий сиёсатига нисбатан шубҳалари асоссиздир. Республикамиз ўз аҳолисини турли гирдоб ва чиғириқлардан эсон-омон олиб ўтаётган дунёдаги саноқли давлатлардан биридир.

Буни ҳамма тан оляпти. Ортиқча гап-сўзга ҳожат йўқ.

Фарҳод РЎЗИЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.
[ЎзА].

ПЕШКУ ЯНГИЛИКЛАРИ

КОМБИНАТ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛДИ

Пешку маҳаллий саноат комбинати биринчилардан бўлиб давлат тасарруфидан чиқарилди. Жамоа ишчилари меҳнатни ташкил этишнинг жамоа мулкчилиги шаклини маъқул топишди.

Ўнлаб турда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқараётган комбинат жамоаси тушунтириш-ташвиқот ишларини кенг йўлга қўйди. Шунинг натижаси ўлароқ янги иш усулига ўтиш жараёни анча тезлашди.

ГИЛАМДЎЗ ҚИЗЛАР

Шариф Эргашев номли жамоа хўжалигида моҳир тикувчи Норбиби Қурбонова ўндан ортиқ қизларни тўплаб, уларга гиламдўзлик сирларини ўргатмоқда.

Айни шу кунларда хўжаликнинг Шавгон қишлоғидан Дилфуза Бердиева, Шамсия Холиқова, Рухсора Қосимова ва опа-сингил Нодира, Комила Саноевалар ўз хонадонларида гилам тўқишни йўлга қўйиб, ҳамқишлоқлари, келин-қуёвларни хурсанд қилмоқдалар.

БЎРДОҚИБОҚАРЛАР ҒАЙРАТИ

Бозор иқтисодиёти барча соҳада ишбилармонлик ва тадбиркорлик кўрсатишни, ҳисоб-китобни пухта қилишни тақазо этмоқда. Шуни ҳисобга олган Йўлдош Эргашев номли жамоа хўжалиги бошқаруви хўжалик бўрдоқичилик фермасини ташкил этди.

Ҳозирги кунда бу фермага ишбилармон йигит Нормурод Нуруллаев раҳбарлик қилиб, унда 190 бош новвос бўрдоқига боқилмоқда. Тажрибали бўрдоқибоқарлар Зайни Жумаев, Холназар Турсунов, Қўша Нарзиев ва Ғиёс Камоловларнинг ғайрати туфайли жониворларнинг этига-эт қўшилмоқда.

БАҲОР ТАРАДДУДИ

Навоий номли жамоа хўжалиги деҳқонлари шу кунларда баҳорги экишга пухта тараддуд кўрмоқдалар. Улар 651 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олишни кўзлаб, қишки дала ишларини кучайтирмоқдалар. Шўр ювиш, далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, техникани кўкламга ҳозирлаш намунали олиб борилмоқда.

Баҳорги экишга тайёргарлик кўришда хўжаликнинг Аёз Пирназаров, Эшонқул Аслонов, Собир Зойиров, Исмоил Қудратов бошлиқ бригадаларнинг миришкорлари олдинда бормоқдалар.

Ерларнинг иккинчи марта шўрини ювишда Ашраф Отаев, Абдулла Файзиев, Боймурод Жумаев, Неъмат Сараев, Норқул Нарзиев каби тажрибали сувчилар алоҳида ғайрат кўрсатмоқдалар.

С. ҚОДИРОВ.

ЕТТИ ХАЗИНАДАН БИРИ

Паррандачилик

Жуссаси кичик, камсуқум, оддий кийинган, кўзларидан маъно ёғилиб турган бу одамни яхши танийман, У билан бундан ўн йил муқаддам танишганман. Ўшанда у шу районидаги бройлер гўшт етиштирувчи йирик фабриканинг директори лавозимида ишлар эди. Кейинчалик Нуробод районида (собиқ Советобод) ишлади. Сўнг Ўзбекистон паррандачилик саноати бирлашмасининг бош ветеринария врачи бўлди.

Ўша масъулиятли лавозим Парда Ашурбоевдан пухта билим, бой тажриба ва қобилият талаб этар эди. Шу хислатларнинг мужассамлиги тез орада унга иззат-обрў келтирди. Республиканинг бир қатор хўжаликларида бўлиб, паррандаларнинг соғлом ўсиши, айниқса жўжаларнинг нобуд бўлишининг олдини олиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқди. Унинг жорий этилишига ўзи бош-қош бўлди. Айниқса паррандалар зотини яхшилаш ва янгилашга алоҳида аҳамият берди.

Кутилмаганда Каттақўрғондаги зотли товуқлар етиштирадиган II репродукторда аҳвол чатоқлашди. Товуқлар касалга чалиниб, нобуд бўла бошлади. Хўжалик раҳбари шу райондаги бошқа репродукторга директор этиб тайинланди. Республиканинг энг кекса паррандачилик хўжаликларидан бири, қарийб олтмиш йиллик тарихга эга репродуктор раҳбарсиз қолди. Унинг тугатиш хавфи туғилди. Район ҳокимияти бу нохуш аҳволнинг олдини вақтида олмаганида шундай бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмасдан.

Лекин яна бир муҳим муаммо кўндаланг бўлди. Қадди букилган хўжаликни танг аҳволдан чиқаришга қодир, уддабурро ва ишбилармон мутахассисс раҳбарни танлаш керак эди. Хўш, бунақа одамни қаердан топиш мумкин? Хуллас, район раҳбарияти кенгашиб, ниҳоят Парда Ашурбоев номзодига тўхталди.

1992 йил май ойининг сўнгги кунларида корхонани қабул қилиш —топшириш маросими узоққа чўзилмади. Янги раҳбар эгаси кўчиб кетган ҳовлидек ҳувиллаб ётган товуқхоналару бўм-бўш иморатлар, ишсизликдан боши гаранг юрган одамлар ва муҳрдан бўлак ниманиям қабул қиларди, дейсиз?

Пардавойнинг кўзи энди илинганда чор атрофдан қичқира бошлаган хўрозлар уйғотиб юборди. У, ўрнидан туриб, апил-тапил кийинди-ю ҳовлига чиқди. Аллақачон тонг ёриша бошлаган, юлдузлар милтиллаб нур сочар, қоронғиликни енгиб янги кун туғилиб келарди.

Германиянинг Ломанн Браун фирмасидан 78 минг 400 бош бир кунлик зотли жўжалар самолётда олиб келинди. Бошида эзгуликка ишонмайдиган айрим ноумидлар ҳам топилди. Парда Ашурбоев ҳар хил гапларни орқаворотдан эшитса ҳам, эшитмаганликка солди. Хўжаликнинг бош жонзотшуноси Абдухалил Иброҳимов, селекциячи Ҳилол Жалилов, ветеринария врачи Нажим Эргашев, товуқбоқарлар бригадасининг саркори Носир Зайниддинов сингари софдил кишилар янги раҳбарга елкадош, ҳамфикр ва ҳамкор бўлишди, ёрдам қўлини чўзишди.

Ломанн Браун фирмасига ташриф буюрган чоғида, мутахассислар билан мулоқотда бўлди, немис ҳамкасбларининг бой тажрибасини ўрганди. Жўжаларни авайлаб парвариш қилиш, жонзотшунослик ва ветеринария фанининг ютуқларидан оқилона фойдаланиш, немис паррандачиларининг тажрибаларини амалий ишда жорий этиш тез орада яхши натижаларини берди. Жўжалар 150 кунда тухумга кирди. Олиб келинган 78 минг 400 бош жўжадан 71 минг боши сақлаб қолинди, 4950 бош жўжа вояга етказилиб, гўштга топширилди. Бошқача айтганда, жўжаларнинг 97 фоизи эсон омон вояга етди.

Ўтган йилнинг, яъни товуқлар тухум бера бошлаган ноябрь-декабрь ойларида мўлжалдаги 2 миллион 365 минг дона тухум ўрнига 2 миллион 548 минг дона тухум олинди. Бу ҳар бир товуқдан режадаги 37 дона ўрнига 39,7 донани ташкил этди. Яъни хонаки паррандалардан олинадиган тухумга нисбатан қарийб икки баровар кўпдир. Бундан ташқари режалаштирилган 3 тонна 100 килограмм ўрнига 5 тонна 500 килограмм гўшт етиштирилди.

Бу ютуқларда жамоанинг Носир Зайниддинов бошлиқ товуқбоқарлар бригадаси аъзолари, Йўлдош Жалилов саркорлик қилаётган жўжабоқарлар, шунингдек, Раҳима Усмонова, Гулнора Расулова, Ҳалима Йўлдошева, Қурвонтош Холова, Адолат Ўроқова каби товуқбоқарларнинг ҳиссалари катта бўлди.

Хўжаликда шу кунларда иш қизғин. Етмиш минг товуқдан ҳар куни эллик мингдан ошириб тухум олиняпти. Очирилган 22 минг жўжа нобуд қилинмай авайлаб парвариш қилиняпти. Февраль ойининг охирига бориб бу жўжаларнинг сони эллик мингтадан ошади.

— Паррандачилик кони фойда экан, — дейди репродуктор раҳбари Парда Ашурбоев.— Ўтган йилнинг декабрь ойида 26 миллион сўм соф фойда олдик. Харид қилинган жўжалар бизга 17 миллион сўмга тушган эди. Бундан ташқари олти ой мобайнида уларнинг парваришига сарфланган харажат 9 миллион сўмни ташкил этди. Бошқа харажатларни қўшиб ҳисоблаганда давлатдан жами 39 миллион сўм қарздор эдик. Бугунга келиб бу рақам 24 миллион сўмга қисқарди. Агар иш шу тарзда давом этаверса, бир-икки ой ичида барча қарзларимиздан бутунлай қутуламиз. Чунки биз етиштираётган жўжалар ва тухумга бўлган талаб кун сайин ортиб бораяпти. Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд ва бошқа вилоятлардаги паррандачилик хўжаликларидан келаётган харидорларнинг кети узилмаётир.

Одамларни иш билан таъминлаш мақсадида уларни ижтимоий ҳимоялаш учун ёрдамчи хўжалик ташкил этдик. Ҳозирча 8 сигир, 15 бош бузоқ харид қилганмиз. Яқин орада 40 қути асалари олишни мўлжаллаб турибмиз. Ниятимиз— келажакда одамларимизни арзон гўшт, сут ва асал билан таъминлаш. Шунингдек, паррандабоқарларимиз учун кийим-кечак тикиб берувчи махсус тикув цехи ташкил этаяпмиз. Тўртта тикув машинаси харид қилмоқчимиз. Хўжалик ҳовлисига 3 минг дона мевали дарахт экдик. Ташқаридаги, авваллари наридан-бери беда экилиб келинган 4 гектар ернинг ярмига шоли, ярмига эса полиз экинлари экишни мўлжаллаяпмиз.

Хўжалик раҳбари Парда Ашурбоевнинг режалари катта. 1993 йилда ҳар бир товуқдан 240 донадан тухум олиш, 131 тонна аъло навли парранда гўшти етиштириб беришдан ташқари 3 миллион сўмлик қурилиш ишларини бажариш, уй-жой қуриш, «Зарафшон» шаҳарчасини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, қўшимча спорт майдончаларини бунёд этиш нияти шулар жумласидандир.

Яздон ХУДОЙҚУЛОВ.
Шавкат СУЛТОНОВ.

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг ТАРҒИБОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ

ҚУТЛАЙМИЗ

Ҳурматли Доноқул ТОШБОЕВ!

Сизни хўжалигимиз жамоаси аъзолари қутлуғ таваллудингиз кунида — навқирон 40 ёшга тўлишингиз муносабати билан самимий ва қизғин муборакбод этадилар. Нуфузли жамоамизнинг ҳар бир аъзоси Сизни аввало уста деҳқон фарзанди, қолаверса, хўжалик бошқарувининг тадбиркор раҳбари сифатида қадрлайди. Бундай ҳурмат-эҳтиромга Сиз ҳалол ва виждонан меҳнатингиз, ташкилотчилик қобилиятингиз эвазига эришиб келмоқдасиз.

Иштихон райони миқёсида ҳам сизни кўпчилик етук қишлоқ хўжаги мутахассиси сифатида яхши билишади, иқтисодчи ва серғайрат раҳбар эканлигингизни қадрлашади. Сиз умр йўлдошингиз Гулнорахон билан фарзандларингизга меҳнат ва ҳаёт сабоғидан дарс бериб келмоқдасиз. Зеро, «Ота-она гўё боғбон, фарзандлар хонадон боғининг гул-ғунчаларидир».

Сизнинг қувончли кунингизда шуни таъкидлаш керакки, жамоамиз меҳнат аҳли буюк бобокалонимиз Алишер Навоий номига муносиб бўлишга, мустақил Ўзбекистонимизнинг фаравонлигини таъминлашга залворли улуш қўшишга астойдил бел боғлашган. Эзгу ишларга, хайрли тадбирларга бош-қош бўлаётганлигингизни эътироф этиб, Сизга узоқ умр, бахт-саодат, раҳбарлик фаолиятингизда равнақ тилаб қоламиз. Ҳаёт қувончлари Сизга ва оила аъзоларингизга ҳамиша ёр бўлсин!

Иштихон районидаги Навоий номли жамоа хўжалиги бошқаруви, хўжалик касаба уюшмаси қўмитаси.

КОРХОНА

Тошкент шаҳридаги омбордан автосервис учун қуйидаги махсус автоускуналарни

СОТАДИ:



мувозанатлаш дастгоҳи;
шиналарни ўрнатиш ва бўшатиб олиш мосламаси;
ғилдиракларнинг жойлашувини ростловчи кўтаргичсиз стенд;
шиналарни таъмирлаш (вулканизациялаш) мосламаси;
энг аъло (супер) асбоб;
зарядлаш-қувватлантириш қурилмаси;
патронсиз—электр парма (дрель);
гидравлик исканжа;

гидравлик усулда шиналарни ўрнатиш ва бўшатиб олиш мосламаси;
тўрт устунли кўтаргич;
икки устунли кўтаргич;
пайвандлаш аппарати;

Тўлов усули—турлича. Олдиндан 100 фоиз ҳақ тўланади, Тошкент шаҳридан буюртмачининг ўзи олиб кетади.

Мулоқот телефонлари: 34-25-81, 34-66-44.
Манзилимиз: 700099, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 118-уй, 607-хона, «Шаҳристон» бекати (янги телеминора ёнида).

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
27 февраль соат 18.00 да
Ўзбекистон ва Туркманистон халқ артисти

БОБОМУРОД ҲАМДАМОВ КОНЦЕРТИ

Концертда раққосалар МУЯССАР ПИРМЕТОВА, ЭЛМИРА НОРБОЕВА қатнашадилар.

Концерт дастурини ЎТКИР СИДДИҚОВ олиб боради.

Чипталар Халқлар дўстлиги саройида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда, Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Сўз—корхона заҳматкашларига

Абдухалил ИБРОҲИМОВ — бош зоотехник:

— Йигирма икки йилдан буён паррандачилик корхонасида ишлайман. Илгари асосан бройлер паррандалари етиштирардик. Бозор муносабатларига ўтиш барча соҳаларда ўз таъсирини кўрсатди. Жумладан, корхонамизнинг юқори унум билан ишлаши учун зарур воситалар етишмаслиги ишда узилишларга олиб келди. Республика паррандачилик саноати бирлашмаси кўмагида Германиянинг Кухс Хафи шаҳридаги «Ломанн-Браун» паррандачилик фирмаси билан алоқа боғладик. Германиялик мутахассислар келишиб биргаликда тухум етиштириш учун шароит ҳозирладик. Фирмадан бир кунлик ёш жўжалар келтирилиб, парвариш қилинди. Улар 150 кундан кейин маҳсулот бера бошлади. Тез орада тухумларни жўжа очиришга қўйдик. Паррандалар сони яна кўпайди. Бугунги кунда корхонамизда 62 мингта тухумлайдиган, 52 мингта ёш жўжалар парвариш қилинмоқда. 35 мингта жўжа очирадиган инкубация ишлаб турибди. Тухум берадиган товуқлар маҳсулдор.

Ҳозир кунига ўрта ҳисобда 50 минг дона тухум олинмоқда. Корхонада паррандаларни парваришлаш учун барча имконият мавжуд. Иш сменали ташкил этилган. Озуқани тарқатишдан тортиб, маҳсулотни йиғиштириб олишгача механизация ёрдамида амалга оширилади. Ҳалима Шокирова, Гулнора Пардаева, Сагит Мукаев, Фарҳод Турсунов, Мустафо Болиев, Носир Зайниддинов сингари паррандабоқарлар бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишчиларимизни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга ҳам эътибор бераяпмиз. Ҳар бир оилага етарли миқдорда, арзон нархда ун, дон, асал, гуруч ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилмоқда. Мақсадимиз сидқидилдан меҳнат қилаётган паррандабоқарларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиб, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришдир.

Гулнора РАСУЛОВА — паррандабоқар:

— Халқимизда «Паррандачилик — етти хазинанинг бири» деган ибора бор. Ўн йилдан буён паррандачилик корхонасида меҳнат қиламан. Халқимизга парҳез гўшт ва тухум етказиб берамиз. Парваришимда 5 мингтадан ортиқ тухумлайдиган товуқ бор. Ҳар куни 4 минг донадан тухум олишга эришаяпман. Матлуба Турсунова, Раҳима Усмонова, Қурбонтош Холова сингари ҳамкасбларим ҳам паррандалар парваришида алоҳида намуна кўрсатмоқдалар.

Корхонамизда ҳар бирида 5500—6000 бош парранда парваришланадиган 17 та товуқхона бор. Аралашма ем ҳам ўзимизда ишлаб чиқарилиб, тайёр озуқа механизмлар орқали паррандаларга тарқатилади. Бу бизнинг ишимизда анча енгиллик яратмоқда. Корхона ихтиёридаги 90 ўринли «Олтин хўрозча» болалар боғчасида фарзандларимиз тарбияланмоқда. Кичкинтойларга озиқ-овқатлар хўжалик ҳисобидан берилади. Фарзандлар парвариши яхши бўлса, оналар кўнгли тўқ.

Маошимиз ёмон эмас. Режалар ошиғи билан бажарилса, қўшимча ҳақ оламиз. Фақат меҳнатни тўғри ташкил этиб, халқимиз дастурхонини тўкин қилиш учун бор имкониятдан оқилона фойдаланмоғимиз лозим.



Нурали ҚАЮМОВ — корхона ёрдамчи хўжалигининг молбоқари:

— Корхонамиз ихтиёрида ёрдамчи хўжалик ташкил этилганига анча бўлди. Мақсад ишчиларни чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари билан таъминлашдир. Корхона раҳбари Пардабой ака Ашурбоев тинибтинчимас, ишбилармон, ўз соҳасининг мутахассиси, У паррандабоқарлар турмуш даражасини яхшилаш борасида бирмунча ишлар қилди. Ёрдамчи хўжалик учун алоҳида хоналар қурилди. Экин экишга ер ажратилди. Ҳозир қарамоғимда 23 бош қорамол бор. Уларни парваришлаш ва озиқлантиришда оилам аъзолари кўмакчи.

Ёрдамчи хўжалигимиз фақат чорвачилик билан кифояланиб қолаётгани йўқ. Эрта баҳордан бошлаб 4 гектар майдонга шоли, 3 гектар ерга полиз ва сабзавот экиб, етиштирилган маҳсулот ишчиларга тарқатилади. Ўтган йили баҳорда 3,5 минг туп мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Корхона ҳовлисидаги бўш ерларга ҳам мевали дарахт кўчатлари экиб, халқимиз дастурхонини тўкин қиламиз.

Шунингдек, хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида тикувчилик ва тўқувчилик цехлари ташкил этиш режалаштирилган.

Кам даромадли оилаларга сигир берилади. Бу ҳам корхонамиз меҳнаткашларига кўрсатилаётган ғамхўрликдир. Ёрдамчи хўжаликни янада кенгайтириш, маҳсулдорликни ошириб, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш учун бор имкониятларимизни ишга соламиз.

Бир пиёла чой баҳона

Дам олиш саҳифаси

Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон ўзбегим

ФАРҒОНАНИНГ УЧАР ОТЛАРИ

ФАРҒОНА воҳаси аҳолисининг асосий хўжалик фаолияти қадимдан деҳқончилик ва боғдорчилик билан узвий боғланган. Кейинги пайтларда Султонобод ёдгорлигида олиб борилган қазув-тадқиқот ишлари натижасида қадим Фарғонада чорвачилик ҳам етакчи ўринда бўлганлигидан дарак берувчи топилмалар қўлга киритилди. Қорамол, қўй, эчки, туя, от сингари уй ҳайвонларининг қолдиқлари кўплаб учрамоқда. Бошқалардан фарқли ўлароқ Фарғона отлари ҳақидаги тарихий маълумотлар ғоят диққатга сазовор.

Эрамиздан аввалги II асрга тааллуқли хитой ёзма манбаларида Довон отлари ҳақидаги маълумотларга кенг ўрин берилган. Унда отларнинг емиши ҳақида тўхталиб, «довонликлар отлари жуда яхши кўрадиган, хушхўр мусу (беда) ўтини кўплаб экишади», — деб алоҳида қайд этилган. Хитойликлар узум уруғи билан беда уруғини ҳам ўз ватанларига олиб кетишган. Умуман Фарғона отлари ҳақидаги қадимги ривоятларда уларни самовий учар отлардан тарқалганлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Дарҳақиқат, афсонавий шон-шуҳратга эга бўлган бу водий отлари ҳатто қадимги Довон давлатининг дипломатик алоқаларида, қўшни мамлакатлар билан уруш ё тинчлик масалаларини ҳал қилишда ҳам бош сабабчи бўлган. Учқур отлар бунчалик шону шавкат қозонишининг сабаби нимада, деган савол туғилади. Гап шундаки, Фарғона отлари хушбичим кўриниши, учқурлиги ва жанговар сифатлари билан ажралиб турган. Ўша пайтлардаги катта-кичик ҳарбий юришлар натижаси асосан отлиқ қўшин чекига тушар эди. Учқур, жанговар отлар билан таъминланган томоннинг эса ғалабага имконияти кўп ортиқ бўлган. Фарғона отлари ўша давр таъбири билан айтганда, «жанг учун яратилган» эди.

Хитой элчиси Чжан Цянь ўз ҳоқонига юборган хабарномасида Довон мамлакати кўплаб зотдор отларга эгалигини, уларни пойтахт шаҳар Эршида яширин сақланаётганлигини ёзади. Хитойликларга арғумоқлар жудаям зарур эди. Сабаби, ҳоқонга Хитойнинг шимолий сарҳадларида хавф солиб турган ҳунд қабилаларига қарши курашмоқ учун зарбдор отлиқ қўшин керак эди. Шу боис Хитой ҳукмдори эрамиздан аввалги 105 йилда Довонга ўз элчиларини юборади. Элчилар «самовий арғумоқларга» айирбошлаш учун кўп миқдорда олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо туҳфалар олиб келишади. Лекин, Довон ҳокими ва оқсоқоллари ўзаро кенгашиб, элчиларга отларнинг бебаҳолигини ва улар сотилмаслигини айтишади.

Юрагига Фарғона отларининг битмас-туганмас ишқи тушган Хитой ҳукмдори энди куч ишлатиб, зўравонлик йўли билан уларга эга бўлиш пайига тушади. Шу мақсадда икки марта, эрамиздан аввалги 104—103 ва 99 йилларда катта қўшинни Довонга юборади. Биринчи ҳарбий юришда қўшин кўп жангчиларни йўқотиш эвазига Довон сарҳадларига кириб келади ва Хитой манбаларида «Ю» (Ючэн) деб номланган чекка, шарқий шаҳарни эгаллайди. Лекин жангчилар сафи жуда сийраклашиб қолганлиги сабабли қўшин орқага қайтади. Икки йил чўзилган ҳарбий юришнинг ниҳояси шундай тугайди.

Хитойликлар иккинчи юришга ғоятда пухта тайёргарлик кўришади. Етарлича озиқ-овқат, деворбузар, тошотар аслаҳалар билан қуролланган 60 минг кишилик қўшин Фарғона сари йўлга тушади. Довон пойтахти Эрши қамал қилинади. Қирқ кунлик қамал даврида босқинчилар шаҳарнинг ташқи мудофаа деворини вайрон қилишга муваффақ бўлишади ва ҳимоячиларни ичимлик сувдан маҳрум этиш мақсадида шаҳарга оқадиган дарёча ўзанини бошқа томонга буриб юборишади. Оқсоқолларнинг бир қисми асирга олинади, қолганлари беркиниб жон сақлашади. Шундан сўнг ўзга иложлари бўлмаган оқсоқоллар ўнлаб зотдор учар арғумоқларни, 3 мингта зоти ўртача ва паст сифатли отларни босқинчиларга беришга мажбур бўлишади.

Маълумки, шарқ адабиётида, санъатида қадимдан от образи мустаҳкам ўрин эгаллаган. Бу гўзал жонивор достонларда Ғиркўк, Бойчибор сифатида улуғланган, ашула, қасидаларда тилдан тушмай куйланган, рассомлар унинг гўзаллигини сопол идишларга, деворий суратларга, тош қояларга чизиб мангуликка муҳрлашган.

Фарғона самовий отларининг сопол идишлар ва тошга ўйилган тасвирлари ўша замон санъат усталарининг ижод маҳсули сифатида бизнинг давргача етиб келганлиги таҳсинга сазовар. Шундай муқаддас ёдгорликлардан бири Марҳамат — Ўш йўли ёқасида, Аравонсойнинг ўнг қирғоғига жойлашган. Бу ерда унча баланд бўлмаган тош қоянинг текис сатҳига ўз илмининг моҳир устаси бўлган рассом томонидан Довон тулпорлари ўйиб чизилган. Учқур арғумоқларнинг бор гўзаллиги — келишган қомати, чиройли узун оёқлари, қамишдай тик қулоқлари, хушсурат бўйни, барча-барчаси шунчалик жонли тасвирланганки, буларни кўрган одам рассом санъатига беихтиёр таҳсин ўқийди.

Яна бир шундай қадимги «санъат даргоҳи» Ўш шаҳридан 8 километр ғарбда, Айримачтау этакларидадир. Бу ерда чизилган отлар сони шунчалик кўпки, гўё рассом тулпорларнинг бутун бир уюрини тошда тасвирлаб, мангуликка дахлдор қилгандай.

1939 йили бу нодир ёдгорликни текширган М. Е. Массон илк бор Хитой ёзма манбаларида таърифланган «Довон арғумоқлари» шулар эканлигини айтади. А. Н. Бернштам таъбирича, Аравон қоясидаги расмлар сирли, сеҳрли ҳисобланган, отларни улуғлаш, ҳатто уларга сиғиниш ва уларни кўпайтириш унинг асосий ғоясидир. Бу ғояда ҳайрон қоларли ҳеч нарса йўқ. Фарғона азалдан зотдор отлар ватани ҳисобланган.

Б. АБДУЛГАЗИЕВА,
Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини асраш жамияти фаоли.



СУРАТДА: туялар: — Бизга бензин керак мас, фақат янтоқ бўлса бас...

К. НАЗАРОВ олган сурат.

НАВОИЙ ВА ЕТИМ ЙИГИТ

Ривоят

Шоир Мир Алишер Навоийнинг ёши бир жойга етганда ҳажга боришга ҳозирлана бошлабди. Бир куни юрт султони Ҳусайн Бойқаро билан хайрлашиб кетиш мақсадида унинг ҳузурига борибди. Ҳусайн Бойқаро:

— Сиз ҳажга бориб келганлардан ҳам кўпроқ савоб ишлар қилган мўътабар зотсиз, — деб Навоийга жавоб бермабди. Султонга нима деб жавоб қайтаришни билмай, шоир ўйланиб қолибди.

Орадан бир йил ўтиб, Навоий яна ҳажга кетиш ҳаракатига тушибди. Сафари олдидан дўсти султон Ҳусайн билан кўришиш учун саройга келибди. «Сиз билан хайрлашиш учун келдим», — дебди у. Ҳусайн Бойқаро юртнинг нотинчлиги, улус орасида норозиликлар кучайиб кетганлигини айтиб:

— Сизсиз улусни бошқариш қийин. Аъёнларга ишониб бўлмайди. Уларнинг бари менинг пайимни қирқиш мақсадида. Дўст деб билсангиз, мени ёлғиз ташлаб кетмангиз, — деб илтижо қилибди. Навоий нима деярини билмабди.

Ҳажга жўнаб кетаверай деса давлатпаноҳ борманг деб ёлворяпти. Ноиложликдан султоннинг илтимосини қабул қилибди. Шоир бу гал ҳам сафардан қолиб «Келаси йил Наврўзда сафарга отланаман» деб кўнглига тугибди. Бу орада баҳор ҳам сепини ёйиб кириб келибди. Навоий: «Бу йил албатта жўнаб кетаман», деб аҳд қилибди.

— Жўнашингиз аниқми? — деб сўрабди Ҳусайн Бойқаро хайрлашгани келган Навоийдан.

— Ҳа, бу гал сафардан мени ҳеч ким, ҳатто Сиздай азизу мукаррам дўстим ҳам қайтара олмайди, —деб жавоб берибди Навоий.

— Ундай бўлса мен рози. Майли дўстим, бора қолинг. Зиёратингиз қабул бўлсин! — деб юзига фотиҳа тортибди, кейин: — Кетишингизни ҳеч ким билмагани маъқул, — дебди.

Навоий дўсти билан хайрлашиб, уйига жўнабди. Кўчасининг бошига етай деганда унга бир йигит учрабди. Йигит Навоий ўзига ўхшаган камбағал етим-есирларга ёрдам қўлини чўзажаклигини кўп эшитган-у аммо уни кўрмаган экан. У шоирга салом бергач:

— Сиз ҳам Навоий ҳазратларникигами? — дебди йигит ва яна сўзида давом этаверибди. — Мен далада тураман. Ўтин териб, бозорга олиб бориб сотиб кун кўраман. Эшитишимча, машҳур шоир, подшоликнинг улуғи бўлса ҳам камтар, хушфеъл, хушхулқ, биздақа ғариб бечораларга нафи кўп тегиб турар экан. Шу кишидан паноҳ излаб бу ерларга келиб эдим, кечикдимми деб қўрқяпман.

— Нега? — деб сўрабди Навоий.

— Э, ҳали эшитмадингизми? Шоиримиз ҳажга борармишлар.

— Кимдан эшитдингиз?— деб сўрабди ҳайрон бўлган Навоий.

— Ҳамманинг оғзида шу гап,— дебди йигит.

Сафарга кетиш ҳақидаги хабарнинг шаҳарга бунчалик тез тарқаб кетганидан ҳайратга тушган Навоий ўзини танитмабди.

— Одамларнинг айтишича, Навоий масжидлар, мадрасалар, кўприклар, ҳаммомлар қурдирганмишлар. У киши ҳажга боришдан ҳам ортиқроқ иш қилишга муяссар бўлибдилар.

Навоий йигит билан гаплашиб уйига етиб қолганини пайқамай қолибди. Не кўз билан кўрсинки, ҳовлиси одамга тўла эмиш. Хуллас, шоирлар, ҳофизлар, машшоқлару ҳаттотлар, китоботлару тоштарошлар, наққошлару мунаққидлар сингари дўстларидан ташқари нонвою боғбонлар, ошпазлар, темирчилар, аравакашлару ҳаммоллар, хуллас шоирни билган, таниган кимки бор ҳозиру нозир экан.

— Ана ҳазратнинг ўзлари келиб қолдилар, — деб ҳамма унга йўл берибди. Ҳалиги йигит йўлдаги ҳамроҳи Навоий эканлигини билиб шоирнинг оддийлиги, хушмуомаласидан ҳайратдан ёқасини ушлаб қолибди. Навоий ҳовлисига тўпланган кишиларни кўриб:

— Тинчликми? — деб сўрабди.

— Тинчлик, —жавоб берибди шогирди.

— Бўлмаса, бу кишилар юзидаги ташвиш аломатининг боиси не? — деб сўрабди Навоий.

— Буни уларнинг ўзларидан сўрангиз, — деб жавоб берибди шогирди.

Бу савол-жавобдан воқиф бўлиб турганлардан бири:

— Бизни ташлаб сафар ихтиёр қилганингиз ҳақидаги миш-мишлар тўғрими, ҳазратим? — деб сўрабди. Шоир унга нима деб жавоб қайтаришни билмай: «Ҳа, сафарга отланганман» дейишга халойиқдан ҳижолат чекиб, «йўқ» деса ёлғон бўлишини билиб, уйига келганлар қаршисида бошини эгиб, жим тураверибди.

Шунда шоирнинг кекса дўсти меъмор Биноий халойиқни тинчлантириб, Навоийга юзланибди: «Ҳазрат, сафар ихтиёрини тарк этинг. Сизсиз ҳолимиз забун бўлғай: ариқлар қазилуви бинолар қурилуви тўхтаб қолур. Эл боши ғалаёндан чиқмас. Улус масжид деса, масжид солдирдингиз, мадраса деса мадраса қурдирдингиз. Сиз қурдирган бу ҳаммомлар, кўприклар ариқлар, ҳовузлар, боғу роғлар, кутубхоналар савобнинг ўрнини босолмайдими? Ҳа, сиз ўзингиз сафар ихтиёр қилган бўлсангиз улус буни кечиктиришни ёки қолдиришингизни ўтиниб сўрайди».

Навоий ўйлаб-ўйлаб охири ҳажга бориш ниятини кечиктирибди. Одамлар буни эшитиб шоду хуррам бўлиб, уй-уйларига тарқалишибди. Ҳалиги қишлоқдан келган етим йигитни Навоий ўзига шогирд қилиб олган экан.

Тўпловчи:
Малик МУРОД,
филология фанлари доктори.

ТУЯҚУШ ҚАНОТИ ОСТИДАГИ МИЛЛИОНЛАР

● Дунёдаги туяқушбоқар давлатлардан бири бўлмиш Жанубий Африка Республикасида сўнгги йиллар мобайнида табиатдаги энг йирик қушни яширинча ўғирлаб кетиш ва қимматига пуллаб юбориш жинояти сезиларли даражада ортди. Бу эса ҳар йили мамлакат хазинасига 100 миллион ранд (33 миллион доллар) фойда келтирадиган туяқушбоқарлик саноатининг экспорт имкониятларига катта зарар етказмоқда. Туяқуш боқишга ихтисослаштирилган кичик Малудаги 450 хўжалик инқирозга учраб бораяпти.

Мамлакатнинг Кап вилоятида олтин қазиш саноати оёққа тура бошлаган аср бошларида шляпага туяқуш патини қистириб юриш одат тусига кириб қолгани туфайли туяқушбоқарлик саноати фақатгина олтин ювиш саноатидан кейинги ўринда турар эди. Туяқушбоқар магнатлар қироллар саройидан қолишмайдиган хос кошоналар қурдиларки, кейинчалик бу иморатлар «Патли саройлар» деган ном олди. Ҳозирги кунда эса бу бақайбат қуш патининг чиройлилиги, қолаверса бақувват териси ва гўштининг таркибида холестерин кам бўлгани учун ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Жанубий Африка Республикасида худди Зимбабве ва Исроилда бўлгани сингари мамлакатдан туяқуш ва унинг жўжа очириладиган тухумини олиб чиқиб кетиш ман этилган. Ўғрилар тумшуғини чўзадиган насиба эса улуғ: мободо Жанубий Африкада бола очишга қодир туяқуш жуфти учун 5 минг ранд тўлашса, чет эллардаги корчоланлар 30 баравар кўп ҳақ беришга маҳтал.

КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ...

Ғарбий ярим шарда Белиз деган энг ёш мустақил давлат борлигини кўпчилик билмаса керак. Ўтган йил якунларига кўра, бу ўлка минтақадаги давлатлар орасида иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича биринчи ўринни эгаллади. Белиз Республикаси Бош вазири Жорж Прайс Номитекс ахборот агентлиги билан суҳбат чоғида мамлакатнинг бениҳоя қулай жуғрофий ўрнига эгалиги, сиёсий мўътадилликнинг барқарорлиги, ҳукумат халқаро алоқаларга молиявий имтиёзлар берганлиги туфайли иқтисодиётга чет эл сармояларининг тўхтовсиз оқиб келиши ютуқларнинг асосий гарови бўлди, деб айтган.

1981 йилда Буюк Британиядан мустақиллик олган ушбу мамлакатнинг аҳолиси 200 минг кишидан иборат. Республиканинг четга чиқарадиган барча моллари АҚШ, Канадада, Европа ҳамжамияти мамлакатларида, шунингдек Кариб ҳавзаси ҳамдўстлиги давлатларида имтиёзли мақомга эга. Миллий қонунчилик экспортга маҳсулот тайёрлайдиган корхоналарга 10 йиллик молиявий имтиёз беради ва тайёр молларнинг юқорида санаб ўтилган мамлакатлар бозорида сотилишини таъминлайди.

ҚУТЛУҒ МЕРОС

Ёднома

Ажойиб инсон, содиқ дўст Ҳакимжон Турсуновнинг орамиздан кетганига мана беш йил бўлди. У узоқ йиллар матбуотда хизмат қилган. Учқўрғон районидаги бирлашган босмахонасини ташкил этиб, уни оёққа турғизган, маҳаллий ахборот воситаси равнақига катта ҳисса қўшган ноёб ташкилотчи, тиниб-тинчимас инсон эди. Дўстлар даврасида ширинкалом ва хушнудлиги билан ажралиб турар эди. Санъатга, адабиётга беқиёс ихлосмандлиги эса уни шеъриятга ошно этган, ҳаётдан фақат гўзаллик ахтариб, яхшилик учун жон фидо қилган ажиб инсон эди.

Унинг шеърлари ўйноқи, туйғулари самимий, сатрлари ўтли эди. У Ватанни куйлайдими, табиат ё ёр ишқида мадҳия битадими, ҳаётий умумлашмаларини фалсафий мушоҳада этиб, оҳори тўкилмаган байтлар битадими, ё кўркам ҳаётимизга доғ бўлиб тушган айрим нохушликларни кескин ҳажв тиғи остига оладими, барибир барча-барчасида ўзига хос эҳтирос сезилиб турарди.

Бугун ажойиб қаламкаш дўстимиз хотирасини эслаб, унинг ижодий меросидан, сиз, азиз муштарийлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз. Шояд дўстимизнинг руҳи шод бўлгай.

Турдибой СОЙНАЗАРОВ.

Зарра парво айламай кўкларда парвоз этсалар.
Севги водийсида сайр айлаб, дамо-дам товланиб,
Сайратиб дил торини, рақсида «гулноз» этсалар.
Қайга бошимни урай ҳажрида кўз ёшим тўкиб,
Бир назар ташлаб санам, бўлмасмикин роз этсалар.
Эй, кўнгил, севгим ҳақи маъшуқадан қилма жудо.
Лутф этиб, шояд Ҳаким кўнглин сарафроз этсалар.

АЙТ, ГЎЗАЛ

Айт, гўзал, сен қайси гулшанда очилган лоласан.
Ё гўзаллар сарвари, мен излаган қиз боласан.
Гул эмас, юлдузга ўхшатдим, сани, тўлмас кўнгул,
Янги чиққан ой мисол қайрилма қош ҳилоласан.
Маҳлиё этдинг мени, ногоҳ-жамолинг кўрсатиб,
Юзларинг лов-лов ёниб, қалбимга оташ соласан.
Менку жоду кўзларингдан маст бўлиб турган ғариб,
Нега сен ним хўрсиниб бот-бот хаёлга толасан.
Арзи ҳолимга қулоқ тутмоқ қўлингдан келмаса,
Не учун дил торини беҳуда ўйнаб чоласан.
Қийнамоқ ҳам ўз ишингдир, раҳм этиш ҳам ўз ишинг.
Айт, Ҳакимга бахт боқарму, ё ҳамон қасд оласан.

Ҳакимжон ТУРСУНОВ.

ВАТАН ЎҒЛОНИМАН

Фидо жонимни этгайман, Ватанга содиқ ўғлонман,
Умид-орзумга етгайман, Ватанга содиқ ўғлонман.
Туғилдим ҳур диёр бағридаким нурларга йўғрилдим,
Юзим иқболга тутгайман, Ватанга содиқ ўғлонман.
Элу-юрт ўғлиман тушмас тилимдан гул Ватан мадҳи,
Қўшиқда тонгни кутгайман, Ватанга содиқ ўғлонман.
Шуурим, дил қўрим, меҳрим анга баҳш айламоқ шон деб,
Буюк достонни битгайман, Ватанга содиқ ўғлонман.
Тирикман то абад қутлуғ Ватан даргоҳида бўлсам,
Ўзимни шоҳ деб айтгайман, Ватанга содиқ ўғлонман.
Ҳаким, умринг нисор айла шу гулшан яшнасин, кулсин,
Унингсиз жонни нетгайман, Ватанга содиқ ўғлонман.

НОЗ ЭТСАЛАР

Кимга арз айлай, кўнгил, ул сарвиноз ноз этсалар,
Ҳуснига оро бериб, боз ўзни танноз этсалар.
Йўлига пешвоз чиқиб, жоним поёндоз айласам,

Ҳодиса

ЎТ БАЛОСИ...

Нуробод туманидаги «Сазағон» ижара хўжалигида қўтондан чиққан даҳшатли ёнғин натижасида 300 қўй нобуд бўлди.

Ўт ўчирувчилар бу манзарани кўриб ҳайратдан ёқа ушладилар. Бир қўра қўй ва чўпон қўнимгоҳи кулга айланган эди.

Маълум бўлишича, чўпон ярим тунда печга олов ёқиб, уйқуга кетган экан. Печь носозлиги туфайли аввал у ётган хона, кейин қўтон ёна бошлабди. Чўпоннинг қўйларни ташқарига ҳайдашга уриниши зое кетибди. Таҳликада қолган жониворлар ўзини қоронғиликка эмас, ёруғликка ураверибди...

Ҳ. ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири.



БОШҚОТИРМА

КЎРСАТКИЧЛАР ЙЎНАЛИШИ БЎЙЛАБ: 1. Овқатни хушхўр қиладиган ўсимликлар йиғиндиси. 2. Муҳандис—геолог, ер қимирлаш илми олими, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги. 3. Оёқ кийимлари билан савдо қилувчи дўкондор. 4. Ғайритабиий кучларга ишониш ва сиғиниш туфайли юзага келган ирим. 5. Томоша кўрувчи. 6. Хулқ-атвори совуқ, ёқимсиз. 7. Бир ўзакдан ясалган сўзлар. 8. Бақриқ-чақриқ, ғала-ғовур. 9. Қолип ясовчи уста. 10. Ичидан пишган одам. 11. Бино. 12. Китобнинг маъно жиҳатдан мустақилликка эга бўлган қисми. 13. Ўғил ёки қиз бола. 14. Сайроқи қуш. 15. Америкадаги штат. 16. Қатъий тартиб, қонда.

Энди шакл ўртасидаги сонлар ўрнига яширинган мақолни кўрсаткич йўналиши орқали ечишга ҳаракат қилинг.

I. 11. 4. 6. 4. 5. — Матал, мақол.
II. 10. 4. 8. 7. 9. 3. — Ўлчов асбоби.
III. 1. 7. 2. 4. —Май, ичкилик.

Бошқотирмани Фаёз АБДУҚАҲҲОР ўғли тузган.

Бош муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ, (бош муҳаррир ўринбосари). С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ҒОФУРОВ, (масъул котиб), Н. ОРИФЖОНОВ, Т. СОЛИЕВ, Р. ТУРСУНОВ, К. РИХСИЕВ, Э. ИБРОҲИМОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Узплодовощвинпром» концерни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жамоаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб—33-09-93, Масъул котиб ўринбосарлари—32-56-25. Деҳқончилик бўлими—32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими—32-56-31. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими—32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Ленинград кўчаси, 32. Нашр кўрсаткич — 64.602. Буюртма Г—63.

Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди — 19.30.

1 2 3 4 5 6